

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

қўлёзма ҳуқуқида

УДК 58.581.9(584.4)+615.32

Рўзиева Бахтиниса Хайдаралиевна

Тошкент вилояти Паркент тумани Сўқоқ қишлоғи атрофи флораси

5A140101 – Биология

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар:
к/х.ф.н., доц.в.б. А.А. Маткаримова

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I-БОБ АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ.....	6
I-боб бўйича хулосалар.....	9
II-БОБ. ПАРКЕНТ ТУМАНИНИНГ ФИЗИК – ГЕОГРАФИК ТАВСИФИ.	10
2.1. Табиий шароитлари. Иқлими.....	10
2.2. Геологик тузилиши.....	12
2.3. Тупроқлари.....	13
II- боб бўйича хулосалар.....	14
III-БОБ. СЎҚОҚ ҚИШЛОҒИ ФЛОРАСИ.....	15
3.1. Ўсимликларнинг флористик таркиби.....	15
3.2. Ўсимликларнинг ҳаётий шакллари.....	24
3.3. Ўсимликларнинг минтақалар бўйича тарқалиши.....	28
3.4. Сўқоқ қишлоғи ҳудудида кенг тарқалган баъзи бир оилаларнинг қисқача ботаник тавсифи.....	40
III- боб бўйича хулосалар.....	60
IV.БОБ. ПАРКЕНТ ТУМАНИ СЎҚОҚ ҚИШЛОҒИ АТРОФИДА ТАРҚАЛГАН ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ АҲАМИЯТИ.....	61
IV- боб бўйича хулосалар.....	72
ХУЛОСАЛАР.....	73
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	74
ИЛОВАЛАР.....	77

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ҳар биримиз учун муқаддас бўлган Ватан хонадонимиз остонасидан, маҳалламиздан, киндик қонимиз тўкилган гўшадан бошланади. Она юрт заминининг тузилиши, сўлим табиати, ўтмишини билмоқ уни янада кўпроқ ардоқлашнинг гаровидир. Дашту чўллардан қорли тоғларгача бўлган ранг - баранг минтақаларни ўз ичига олган Ўзбекистоннинг бетакрор табиати хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Айниқса, Паркент тумани каби тоғли ҳудудларнинг табиати ўзига хослиги билан яққол кўзга ташланади. Табиат инъом этган неъматлардан оқилона фойдаланиш, уларни келажак авлодлар учун эъзозлаб асраш биздан унинг нозик томонларини пухта билмоқликни талаб этади [41].

Ўзбекистоннинг ҳар бир географик ҳудудининг флораси ҳамда ўсимликлар қопламини ўрганиш ботаника фанининг долзарб масалаларидан биридир. Чунки бундай илмий тадқиқотлар ўша ҳудуднинг флорасидан оқилона фойдаланиш чора- тадбирларини ишлаб чиқиш учун илмий манба бўлиб ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, Тошкент вилояти Паркент тумани Сўқоқ қишлоғи атрофи флорасини ўрганиш ҳам бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси: Тошкент вилояти Паркент тумани Сўқоқ қишлоғи атрофи флораси илк бор ўрганилди ва ҳар томонлама таҳлил қилинди.

Тадқиқот мақсади: Тошкент вилояти Паркент тумани Сўқоқ қишлоғи атрофи флорасини ўрганиш.

Тадқиқот вазифалари:

1. Сўқоқ қишлоғида тарқалган ўсимликларнинг флористик таркибини ўрганиш;
2. Сўқоқ қишлоғида тарқалган ўсимликларни ҳаётий шакллари бўйича таҳлил қилиш;

3. Ўрганилаётган ўсимликларни минтақалар бўйича тарқалишини ўрганиш;

4. Ўрганилаётган ҳудудда кенг тарқалган оилаларни аниқлаш;

5. Сўқоқ қишлоғи атрофи флорасидаги ўсимликларни хўжаликдаги аҳамиятига кўра таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижасида олинган маълумотлардан Сўқоқ қишлоғи флораси ҳамда ўсимликлар қоплами бўйича тайёрланган монография ҳамда ўқув қўлланмаларда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги.

Тошкент вилояти Паркент тумани Сўқоқ қишлоғи атрофи флораси илк бор ўрганилди ва ҳар томонлама таҳлил қилинди.

Тадқиқот объекти. Паркент тумани Сўқоқ қишлоғи атрофи флораси.

Тадқиқот предмети.

Сўқоқ қишлоғи атрофи флораси, таксономияси, ҳаётий шакллари, минтақалар бўйича тарқалиши, хўжалик аҳамияти бўйича таҳлил қилинди.

Қўлланилган илмий услублар.

Ўсимликлардан гербарийлар тайёрлаш умумий қабул қилинган қоидалар орқали олиб борилди. Сўқоқ қишлоғи флорасини аниқлашда 10 томли Ўрта Осиё ўсимликлар аниқлагичи, 6 томли Ўзбекистон флораси, Ўзбекистон ўсимликлари аниқлагичи (А.Ҳамидов, М.Набиев, Т.Одилов 1987), O'zbekiston osimliklarining zamonaviy tizimi (O.P.Pratov M.M.Nabiyev 2007), Ўсимликларнинг ҳаётий шаклларини аниқлашда К.Раункиер, И.Г.Серебряков (1964)[30,31] услубларидан ва С.К. Черепановнинг (1981) [43] асарларидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг синовдан ўтганлиги.

Илмий тадқиқот натижалари Республика ёш олимлар илмий конференцияси (2013 йил 26 декабрь), Ўзбекистон талаба ёшларининг Республика миқёсида анъанавий илмий-амалий анжумани (2013йил 20 декабрь) да чоп этилган.

Магистирлик диссертациясининг тузилиши.

Магистрлик диссертацияси 77 бетдан иборат. У компьютер матнида ёзилган бўлиб, кириш, асосий қисм 4 та боб, хулосалар ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишда 5 та жадвал, 14 та расмлар келтирилган.

I БОБ. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ.

Паркент тумани атрофининг тоғлар, ўрмонзор ва бутазорлар билан қопланганлиги, майда сой ва зилол булоқлар сероблиги, ўзига хос нафис иқлим яратиб, қадим замонлардан инсонларни ўзига чорлаган. Паркентнинг мафтункор табиати қатор муаллифларнинг асарларида ҳам алоҳида эътибор билан қайд этилган.

Сўқоқ қишлоғи Паркентдан 18 км жануби-шарқда, Чотқол тоғ тизмаларининг ғарбий этакларида, Сўқоқсой дарёсининг соҳилларида жойлашган. Ер сатҳи нотекис, денгиз юзасига нисбатан 940-1360 метр оралиғида ўзгаради. Қишлоқдаги мавжуд зилол булоқлар марказлаштирилган ичимлик суви тармоғини ва Сўқоқсойни сув билан таъминлаб туради. Баъзи булоқларнинг сув сарфи 10 л/сек га етади. Машҳур “Чашма” булоғи сайёҳларнинг севимли жойига айланган.

Маҳаллий оқсоқолларнинг фикрига кўра, “Сўқоқ” сўзи туркийча - “ёлғиз оёқ йўл”, араб тилида эса - “кийик йўли” маъносини билдиради. Баъзилар қишлоқ номини унинг шифобахш сувлари билан боғлиқ дейишади.

Ўтмишда Паркент ва унинг атрофидаги ҳудудлар бой ўтлоқлар, қалин бутазорлар, паст бўйли ўрмонзорлар ва арчазорлар билан қопланган бўлиб, олдин ибтидоий овчиларни, кейин кўчманчи чорвадорларни, сўнг деҳқонларни ўзига жалб этган. Ҳозир ҳам бу туман ўзининг бой ўсимликлар дунёсининг кўркем ва ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Ўзбекистон ҳудудларида тарқалган 4800 дан ортиқ (Н.Ю.Бешко, 2013) тур ёввойи ўсимликлардан туман ҳудудида 70 га яқин оилага мансуб бўлган 1000 дан зиёд ўсимлик турларини учратиш мумкин. Улардан 200 тури доривор ўсимликлар ҳисобланади.

Умуман, Ғарбий Тяньшан ҳудуди тоғолди текисликларидан тоққа кўтарилишда ўсимликлар тарқалишида қуйидаги умумий қонуниятни кузатиш мумкин [21]: шувокли ва шўрадошли тоғолди текислиги, шувок – чим - буғдойдошлар паст тоғ дашти, чим-буғдойдошлар (бетага, чалов) тоғ дашти, ўрта тоғдашт - ўтлоқ ва ўтлоқлари, улардан баланд ҳудудларда кенг

барглилар, игнабарглилар, субальп, альп ўтлоқлари ва тоғ чўли мавжуд. Минтақалар чегараларини белгилаш мақсадида академик Қ.З. Зокиров [5] уларни тўртта табиий ҳудудларга ажратишни таклиф этган. Булар чўллар (текисликлар), адирлар (тоғолди ҳудудлари), тоғлар ва яйловлар (баланд тоғ ҳудудлари). Минтақалар ичида пастки ва юқори зоналар ажратилади.

Туман ҳудуди ўсимлик дунёсида бу қонуният устиворлиги билан бирга, ўзига хослиги билан ҳам ажралади. Денгиз сатҳига нисбатан 600-800 м баландликкача бўлган сатҳларда жойлашган майдонлар пастки адир ёки тоғ олди текисликлар минтақасига киради.

Минтақада, асосан, эфемерлар ва эфемероидлар ҳамда узоқ муддат вегетация даврига эга бўлган кўп йиллик ўсимликлар тарқалган. Улар ичида бурчокдошлар, ялпиздошлар, қоқиўтдошлар оилаларига мансуб турлар айниқса кўп учрайди. Тупроқ шароитига қараб, эфемерлар орасида *Lamiaceae* – ялпиздошлардан *Phlomis* - қўзикулоқ, бурчокдошлардан *Psoralea* – оққурай ва бошқа ўсимликларни учратиш мумкин. Кенг тарқалган ўсимликлар қаторига *Eremurus* - ширач, *Alhagi* - янтоқ, *Bromus* - ялтирбош, *Artemisia* - шувоқ кабиларни киритиш мумкин. Минтақада доривор ўсимликлардан *Hypericum* - далачай, *Artemisia* - эрмон, *Plantago* - зубтурум, *Capparis* - ковул, *Cichorium* - сачратқи, *Glycyrrhiza* - ширинмия, *Rosa* - наъматак ва бошқалар учрайди. Сабзавот ўтлар сифатида истеъмол қилинадиган: *Mentha*- ялпиз, *Rumex*-откулоқ, *Spinacia*- исмалоқ кабилар ўсади.

Есипов В.М., Савич О.В (1965) маълумотларига кўра минтақада пистадошлар оиласига мансуб писта асосан Бошқизил сойнинг юқори оқими чап қирғоқларида, жануби-ғарбга қараб ёйилиб тарқалган.

Дарёларнинг юқори оқими водийларида кенг тарқалган ўтлоқ-ўрмонзорларда қора терак, тол, камхастак, жингил, олча, четан каби дарахтлар ўсади. Табиатда кам учрайдиган ва Ўзбекистон “Қизил китоб” ига киритилган қизил ва тарғил лолаларни, етмак, Писком пиёзи, Кауфман нормушки каби ўсимликларни ҳам айнан шу минтақада учратиш мумкин.

Минтақа доривор гиёҳларга ҳам жуда бой. Бўзnoch, тоғрайхон, кийикўт, мадорўт, равоч, эрмон ва кўплаб бошқа доривор гиёҳларнинг 200 дан ортик тури қайд этилган.[21]

2400 м баландликдан бошлаб, юқорида тоғ чўли бошланади. Бу ерларда бетага, ровоч, мойчечак, янтоқ, ширач, ковул ва майда гулли ўсимликлар ўсади. Бунинг исботи сифатида кўпчилик учун маълум бўлган бир неча ўтларнинг хусусиятларини мисол тариқасида эслатиб ўтишни лозим топдик.

Alhagi pseudalhagi Desf.- Сохта янтоқ бурчокдошлар оиласига мансуб, тиканли ўт. Бўйи 50-80 см, барглари эллипс шаклида 2-4 см, илдизи 30-35 метргача етиши мумкин. Янтоқ бебах тўйимли ўт. 100 кг янтоқ пичанида 70,5 озуқа бирлиги борлиги аниқланган. Янтоқ узок муддатли гуллаш даврига эга бўлиша сабабли, асаарилчиликда асосий озуқа манбаи ҳисобланади. Маълумотларга кўра (Е.Е. Короткова), мавсумда бир гектардан 28 кг шакар йиғиб, ҳолва тайёрлашда ишлатилади. Поя ва барги таркибида 500-1000 мг С дармондориси, 6,7 мг каротин, 3,9-8,2% ошловчи моддалар ва 0,33% эфир мойлари, илдизида эса 0,17-0,19% алколоидлар, гликозоидлар, бўёқ моддалар 5,67% смолалар, 3,064% органик кислоталар ва 80 мг С дармондориси борлиги аниқланган.

Eremurus robustus Rgl.- Пушти ширач ширачдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўт. Илдизида 3-4% елимловчи эремулон моддаси борлиги, ундан кенг миқёсда фойдаланишга имкон беради. Аниқланишича, эремулоннинг 5% эритмасининг ёпишқоқлиги чет элдан елим сифатида келтириладиган гуммиарабни худди шундай эритмасидан 90 марта мустаҳкам. Қадимги этикдўз, маҳсидўз косиблар ширачдан тагчармлар ёпиштиришда фойдаланишиб, мустаҳкам пойафзал тайёрлашган. Ширачнинг баъзи турларининг барг ва илдизлари хуштаъм овқатлар тайёрлашда ишлатилган. Баъзи турларининг барг ва илдизлари жун ипак ва ип газламаларни бўяшда бўёқ сифатида фойдаланилади.[42]

I боб бўйича хулосалар

1. Туман ҳудуди ўсимликлар дунёсига жуда бой. Минтақада, асосан, эфемерлар ва эфемероидлар ҳамда узоқ муддат вегетация даврига эга бўлган кўп йиллик ўсимликлар тарқалганлиги аниқланди.

2. Ўрганилган ўсимликлар ичида бурчокдошлар, ялпиздошлар, қокиўтдошлар оилаларига мансуб турлар айникса кўп учрайди. Тупрок шароитига қараб, эфемерлар орасида ялпиздошлардан қўзиқулоқ, бурчокдошлардан оққурай, қокиўтдошлардан карракларни учратилди.

3. Минтақада доривор ўсимликлардан далачай, эрмон, зубтурум, сачратқи, ширинмия, наъматак, сабзавот ўтлар сифатида истеъмол қилинадиган: ялпиз, отқулоқ, исмалоқ кабилар ўсади.

.

II БОБ. ПАРКЕНТ ТУМАНИНИНГ ФИЗИК –ГЕОГРАФИК ТАВСИФИ

2.1. Табиий шароитлари. Иқлими. Ҳозирги Паркент тумани, қадимдан Тошкент воҳасининг тоғлар билан ўралган шарқий қисмида жойлашиб, Паркентсой, Бошқизилсой, Сўқоқсой ва Оқсоқотасой ирмоқларининг сувлари билан таъминланган.

Географик нуқтаи назардан, Паркент тумани Тошкент шаҳридан 48 км шарқда, Ўрта Тяншаннинг Чотқол тоғ тизмаларининг ғарбий этакларида жойлашган. Туман шимол, шарқ ва жануб томонларда Бўстонлик-Оҳангарон, ғарбда эса Юқори Чирчиқ ва қисман жануби-ғарбий томонда Қуйи Чирчиқ туманлари билан чегарадош. Ҳудуднинг тоғлар билан ўралганлиги унинг табиатига бетакрор хусн беради ва туман чегарасини кесиб ўтишингиз билан унинг турфалиги яққол намоён бўлади. Ер сатҳи ғарбдан шарққа томон денгиз сатҳига нисбатан 506 метрдан (Қорақалпоқ қ.) 3267,8 метргача (Қизилнура ч.) ўзгаради. Рельефи - тоғолди текисликлар, адирлар ҳудудларидан ташкил топганлиги сабабли, туман иқлими ҳам вертикал минтақаларга бўлиниб, хилма-хил хусусиятлари билан ажралиб туради. Текисликларда типик бўз тупроқлар, адирларда тўқ бўз тупроқлар, тоғ зонасида эса жигар ранг тоғ-ўрмон тупроқлар тарқалган.

Табиий жойлашишига кўра, Паркент тумани ҳудуди Тошкент-Мирзачўл кескин континентал (қуруқ) иқлим зонасига киради. Ҳудуднинг тоғлар билан ўралганлиги, унинг бағрида сойлар ва зилол булоқлар сероблиги ўзига хос мўътадил микроиқлим шароитини вужудга келтиради. Ҳавонинг йиллик ўртача ҳарорати 12,8 С йиллик ёғин миқдори эса 536 мм ни ташкил этади. Серқуёш диёримизда бўлгани сингари, қуёш йил мобайнида 3000 соатдан кўп вақт туман ерларига ўз нурини сочиб туради. Лекин фасллар бўйича бу вақт тенг тақсимланмаган. Ернинг қуёшга нисбатан оғиш бурчаги ўзгаришига қараб, ер юзаси ёритилиш муддати ҳам ўзгариб боради. Бу вақт январь ойида ўртача 140 соат, июнда эса 390 соатга тенг. Январь ойида бир кунлик ер юзасини ёритиш вақти ўртача 5,1 соатни,

июлда эса 12,5 соатни ташкил этади. 22 июнда кўп, 22 декабрда эса энг кам куёш радиацияси кузатилади. Қишки ойларда, ҳавони булут қоплаб, куёш кўринмайдиган 8-9 кун кузатилса, ёз чилласида булутли кунлар деярли учрамайди.

Атмосфера босими ҳам ҳудуднинг баландлиги ва йил фаслларига кўра ўзгариб боради. Табиат қонунларига асосан, баландликка кўтарилган сари атмосфера босими пасайиб боради. Масалан, денгиз сатҳига нисбатан 520 м баландликда жойлашган Қорақалпоқ қишлоғида ўртача кўп йиллик ҳавонинг босими 957 ГПа, 1352 м баландликда жойлашган Сўқоқ метеорологик станциясида эса 935 ГПа ни ташкил этади.

Ҳаво ҳароратининг ўртача кўп йиллик миқдори, Паркент шаҳри сатҳида 12,8⁰С ни ташкил этади. Йил давомида фақат январ ойидаги ўртача ойлик ҳарорат манфий (-0,6⁰С) қийматга эга бўлади. Бошқа ойларда эса ҳавонинг ўртача ойлик ҳарорати 0⁰С дан баландлиги кузатилади. Февраль ойидан ҳаво исиши бошлайди ва апрель ойида унинг ҳарорати, айниқса, шиддатли ўсади. Ўртача суткалик ҳавонинг энг баланд ҳарорати (27⁰С) июль ойида намоён бўлади. Август ойидан у пасая бошлайди ва октябр ойида бу жараён кескинлашади. Ҳар бир ойда кузатиладиган ўртача ойлик ҳаво ҳарорати йилдан-йилга ўзгариши мумкин. Айниқса, қишки ойлар ўзгарувчан бўлади. Лекин ўртача йиллик ҳарорат жуда кам миқдорда ўзгаради.

Кўп йиллик кузатишлар октябр ойларида ҳаво ҳароратининг 0⁰С дан пасайиб, 20 октябрдан кейин илиқ кунлар билан алмашиб боришини кўрсатади. Ер устки қатламнинг музлаши, одатда, бу санадан икки ҳафта илгарироқ бошланади. Тупроқ устки қатламнинг биринчи маротаба музлаш ҳодисаси кузда - сентябрнинг биринчи ўн кунлигида 50%, иккинчи ўн кунлигида 65%, учинчи ўн кунлигида 95% ни ташкил этади. Шамол туман ҳудудида нисбатан кичик (1-2м/с) тезликлар билан эсиб турадиган ҳодиса. 50% дан ортиқ шамолларнинг тезлиги 0-1м/с атрофида бўлади. 5 м/с дан ортиқ тезликка эга бўлган шамоллар 2% ни, 15 м/с тезликдаги шамоллар эса атиги 0,01% ни ташкил этади. Шамоллар йўналишда шарқий, шимоли-

шарқий оқимлар устунлиги сезилиб туради. Бу ҳол, айниқса, куз ва қиш фаслларида яққол намоён бўлади. Баҳор ва ёз фаслларида ғарбий ва шимоли-ғарбий шамоллар ҳам такрорланиб туради. Бир сутка мобайнида шамол йўналиши асосан тоғ-водий циркуляцияси таъсирида бўлади. Тунги пайтларда, асосан, тоғдан эсган шамол, кундузи эса водий шамоллари устунлик қилади [8].

Ҳаво намлигининг кўп йиллик ўртача миқдори 58% ни ташкил этади. Қиш фаслида ҳаво намлиги 68-70% га етади, ёзда эса 38-41% атрофида бўлади. Баъзи қурғоқчилик йиллари ёзда ҳаво намлиги 8% гача камайиши мумкин. Иссиқ кунларда ҳаво намлигининг пасайиши тупроқдаги намликнинг буғланишини тезлатади ҳамда нафас олишни енгиллаштиради.

Ёғингарчилик қаттиқ (қор), суюқ (ёмғир) ва аралаш ҳолатда намоён бўлади. Паркент ҳудудида ўртача кўп йиллик ёғин миқдори 536 мм ни ташкил этади. Тоғ минтақасига кўтарилган сари унинг миқдори ортиб боради. Март ойида ёғингарчилик кўп бўлади. Бу ойда ёғин миқдори мароми ўртача 95 мм ни ташкил этади. Ноябрьнинг иккинчи ярмидан бошлаб мартнинг иккинчи ярмигача ер юзасини қор қоплаши мумкин. Баъзи йиллари қор мавсуми октябрдан март ойигача давом этади. Лекин, одатда, қорнинг асосий миқдори январь ойида ёғади. Ер сатҳи қор билан ялпи қопланиш даври тоғ ҳудудига кўтарилиши билан бирга узайиб боради. Паркент ҳудудида бу мавсум ўртача 50 кун давом этади [41].

Ҳудуднинг табиий сув манбаларига ўнлаб сойлар ва 500 дан ортиқ булоқлар киради. Чирчиқ дарёсининг чап ирмоқлари бўлмиш Паркентсой, Бошқизилсой ва Оқсоқотасой Паркентнинг сув манбалари ҳисобланади. Дарёларнинг бошланиш жойларида мавжуд ўнлаб шаршаралар табиат манзарасига бетакрор гўзаллик бахш этади [8].


2.2. Геологик тузилиши. Паркент тумани ҳудудида палеозой (девон, тошкўмир, перм), мезазой (трас, юра, бўр), кайнозой (палеоген, неоген ва тўртламчи) даври тоғ жинслари кенг тарқалган Девон, тошкўмир даври каби

ёши жиҳатдан энг қари жинсларни, асосан, тоғ ҳудудларида кузатиш мумкин [41].

Ҳозирги замон тоғ жинслари Паркентсой, Оксоқотасой, Заркентсой, Бошқизилсой ва бошқа дарё ўзанларида, уларнинг I ва II террассаларида, тоғ ёнбағирлари ва сув айирғич қисмларида кўп учрайди. Ўзан ва I-II террассаларни, асосан, аллювиал жинслар қоплаган. Литологик жиҳатдан улар кум, шағал, харсанг тош, кумоқ ва лёссимон жинслардан иборат. Бу давр жинсларининг умумий қалинлиги 3-30 метр атрофида бўлиб, бундан 1-3 метрли лёссимон жинсларга тўғри келади. Тоғ ёнбағирлари ва сув айирғич қисмларини делювиал ва элювиал тоифасига мансуб, ҳозирги замон даври лёссимон жинслари эгаллаган. Улар бир-биридан пайдо бўлиш ҳолатларига қараб ажралади. Элювиал лёссимон жинслар гранит, граноидорит, оҳактош, кумтош, сланец, гил каби жинсларнинг қайта-қайта нурашлари натижасида ҳосил бўлган. Уларнинг қалинлиги 0,25-0,5 м ни ташкил этади. Делювиал лёссимон жинслари эса элювиал ва нурагандан кейинги жинсларни ёмғир, қор сувлари ёрдамида тоғ ёнбағирларига олиб тушиб ётқизиши натижасида ҳосил бўлган [41].

2.3. Тупроқлари. Туман ҳудудида ҳам тупроқларнинг турлари ва ер сатҳи тузилишига қараб, тоғолди текислигидан бошлаб тоғ минтақасигача мунтазам равишда ўзгариб боради. Ер сатҳи баландлигининг ошиши билан тоғ жинсларининг турлари, қуёш нурининг тушиш ҳолати, ёғин миқдори, ўсимлик дунёси ва қалинлиги ўзгариб боришига монанд тупроқ хиллари ҳам ўзгариб боради.

Туман ҳудудида кумли бўз тупроқлар: оч кул ранг, сарғиш қўнғир тусли бўз тупроқлар, оч кул ранг-қўнғир, тўқ қўнғир тусли тоғ-каштан тупроқлар; қора, қора қўнғир тупроқлар тарқалган[41].



1-расм. Паркент туманининг табиий –географик харитаси.

II-боб бўйича умумий хулосалар

1. Паркент тумани Тошкент шаҳридан 48 км шарқда, Ўрта Тяншаннинг Чотқол тоғ тизмаларининг ғарбий этакларида жойлашган. Туман шимол, шарқ ва жануб томонларда Бўстонлиқ-Оҳангарон, ғарбда эса Юкери Чирчиқ ва қисман жануби-ғарбий томонда Куйи Чирчиқ туманлари билан чегарадош.

2. Ҳаво ҳароратининг ўртача кўп йиллик миқдори, Паркент шаҳри сатҳида $12,8^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этади. Йил давомида фақат январь ойидаги ўртача ойлик ҳарорат манфий ($-0,6^{\circ}\text{C}$) қийматга эга бўлади. Бошқа ойларда эса ҳавонинг ўртача ойлик ҳарорати 0°C дан баландлиги кузатилади. Февраль ойидан ҳаво исиши бошлайди ва апрель ойида унинг ҳарорати, айниқса, шиддатли ўсади. Ўртача суткалик ҳавонинг энг баланд ҳарорати (27°C) июль ойида намоён бўлади. Август ойидан у пасая бошлайди ва октябрь ойида бу жараён кескинлашади.

3. Паркент тумани ҳудудида палеозой (девон, тошкўмир, перм), мезазой (трас, юра, бўр), кайнозой (палеоген, неоген ва тўртламчи) даври тоғ жинслари кенг тарқалган Девон, тошкўмир даври каби ёши жиҳатдан энг қари жинсларни, асосан, тоғ ҳудудларида кузатиш мумкин.

III БОБ. СЎҚОҚ ҚИШЛОҒИ ФЛОРАСИ

3.1. Ўсимликларнинг флористик таркиби. Сўқоқ қишлоғи флорасини ўрганганимизда 49 та оилага мансуб 89 та туркум ва 104 та турмавжудлиги қайд этилди.[3,13,23,24,25,26,34,37,46]

1-жадвал

Ўсимликларнинг флористик таркиби

№	Оила	Туркум	Тур
1	<i>Equisetaceae</i> Rich.ex DC.- Қирқбўғимдошлар	<i>Equisetum</i> L.- Қирқбўғим	<i>Equisetum arvense</i> L.- Дала қирқбўғими
2	<i>Pinaceae</i> Lindl.- Қарағайдошлар	<i>Pinus</i> L.- Қарағай	<i>Pinus selvestris</i> L. - Оддий қарағай
3	<i>Cupressaceae</i> Bartl.- Сарвдошлар	<i>Juniperus</i> L. - Арча	<i>Juniperus turkestanica</i> Kom.- Туркистон арчаси <i>Juniperus seravschanica</i> . - Зарафшон арчаси
4	<i>Berberidaceae</i> juss.- Зиркдошлар	<i>Berberis</i> L.- Зирк	<i>Berberis oblonga</i> (Rgl) <i>Schneid.</i> - Қора зирк
5	<i>Ranunculaceae</i> juss.- Айиқтовондошлар	<i>Ranunculus</i> L. - Айиқтовон	<i>Ranunculus arvensis</i> L.- Дала айиқтовони
		<i>Delphinium</i> L. - Исфарақ	<i>Delphinium barbatum</i> Bge.- Соқолли исфарақ
6	<i>Papaveraceae</i> juss.- Кўкнордошлар	<i>Roemeria</i> Medik.- Қизғалдоқ	<i>Roemeria refracta</i> DC.- Эгилган қизғалдоқ

7	<i>Caryophyllaceae</i> juss.- Чиннигулдошлар	<i>Dianthus</i> L.- Чиннигул	<i>Dianthus tetralapis</i> Nevski- Тўрттангачали чиннигул
		<i>Acanthophyllum</i> С.А.Мей.- Етмак	<i>Acanthophyllum</i> <i>gyssophyloides</i> Rgl.- Гипсофилаанамо бўритикон, етмак
8	. <i>Chenopodiaceae</i> Vent.- Шўрадошлар	<i>Chenopodium</i> L.-Шўра	<i>Chenopodium album</i> L.- Оқ шўра
		<i>Spinacia</i> L. - Исмамоқ	<i>Spinacia turkestanica</i> jIjin.- Туркистон исмамоғи
		<i>Atriplex</i> L. - Олабута	<i>Atriplex tatarica</i> L. - Татар олабутаси
9	<i>Polygonaceae</i> juss. - Торондошлар	<i>Rheum</i> L. - Ровоч	<i>Rheum maximowiczii</i> Losinsk. - Максимович ровочи
		<i>Rumex</i> L. - Откулоқ	<i>Rumex crispus</i> L. - Жингалак откулоқ
		. <i>Polygonum</i> L.- Торон	<i>Polygonum hydropiper</i> L. - Сув қалампири
10	<i>Platanaceae</i> Dumort. - Чинордошлар	<i>Platanus</i> L. - Чинор	<i>Platanus orientalis</i> L. - Шарқ чинори
11	<i>Juglandaceae</i> Aich.ex	<i>Juglans</i> L. -	<i>Juglans regia</i> L. - Грех

	<i>Kunth</i> - Ёнғокдошлар	Ёнғок	Ёнғоғи
12	<i>Hypericaceae</i> <i>Juss.</i> -Далачойдошлар	<i>Hypericum</i> L. - Далачой	<i>Hypericum</i> <i>perfaratum</i> L. - Тешик чойўт, далачой <i>Hypericum</i> <i>scabrum</i> L. - Дағал чойўт, қизилпойча
13	<i>Violaceae</i> Batsh - Гунафшадошлар	<i>Viola</i> L.- Гунафша	<i>Viola suavis</i> MB. - Ёқимли гунафша
14	<i>Salicaceae</i> Mirb. - Толдошлар	<i>Salix</i> L. - Тол	<i>Salix excelsa</i> S.G.Gmel. - Қора тол <i>Salix alba</i> L. - Оқ тол
		<i>Populus</i> L. - Терак	<i>Populus nigra</i> L. - Қора терак <i>Populus alba</i> L. - Оқ терак
15	<i>Tamaricaceae</i> Link ЛЮлғундошлар	<i>Tamarix</i> L. - Юлғун	<i>Tamarix arceuthoides</i> Bge.-Арчасимон юлғун
16	<i>Capparaceae</i> Juss.- Ковулдошлар	<i>Capparis</i> L.-Ковул	<i>Capparis spinosa</i> L.- Тиканли ковул
17	<i>Brassicaceae</i> Bunnett- Карамдошлар	<i>Sisymbrium</i> L.- Қурттана	<i>Sisymbrium loeslii</i> L.- Лёзел қурттанаси

		<i>Capsella Medie.</i> -Жағ- жағ, ачамбити	<i>Capsella bursa-pastoris</i> (<i>L.</i>) <i>Medie.</i> -Оддий жағ-жағ, ачамбити
18	<i>Malvaceae Juss.</i> - Гулхайридошлар	<i>Althaea L.</i> -Гулхайри	<i>Althaea officinalis L.</i> - Доривор гулхайри
		<i>Malva L.</i> - Тугмачагул	<i>Malva neglecta Wall.</i> - Бефарқ тугмачагул
19	<i>Ulmaceae Mirb. Ul.</i> - Қайроғочдошлар	<i>Ulmus L.</i> -Қайроғоч	<i>Ulmus densa Litv.</i> -Сада қайроғоч
20	<i>Celtidaceae Link.</i> - Қатранғидошлар	<i>Celtis L.</i> -Қатранғи	<i>Celtis caucasia Wild.</i> - Кавказ қатранғиси
21	<i>Moraceae Link.</i> - Тутдошлар	<i>Morus L.</i> -Тут	<i>Morus alba L.</i> - Оқ тут, балхи тут <i>Morus nigra L.</i> - Шотут <i>Morus bombycis</i> <i>Koidz.</i> -Қўноқ тут
22	<i>Canabaceae</i> - Нашадошлар	<i>Cannabis L.</i> -Наша	<i>Cannabis ruderalis</i> <i>Janisch.</i> -Ёввойи наша
23	<i>Urticaceae</i> - Газандадошлар	<i>Urtica L.</i> -Газанда	<i>Urtica dioica L.</i> - Иккиуйли газанда, чаёнўт
24	<i>Euphorbiaceae</i> - Сутламадошлар	<i>Euphorbia</i> <i>Auct.</i> -Сутлама	<i>Euphorbia helioscopia</i> (<i>L.</i>) <i>Scor.</i> -Кунгабоқар сутлама
25	<i>Rosacea</i> - Раънодошлар	<i>Rubus L.</i> - Маймунжон	<i>Rubus idaeus L.</i> - Оддий маймунжон

	<i>Rosa L.</i> -Наъматак		<i>Rosa canina L.</i> - Итбурун наъматак
			<i>Rosa beggeriana Schrek.</i> - Беггер наъматаги
			<i>Rosa fedtschenkoana Rgl.</i> - Федченко наъматаги
	<i>Potentilla</i> -Ғозпанжа		<i>Potentilla reptans L.</i> - Ўрмаловчи ғозпанжа
	<i>Cotoneaster Medie.</i> - Ирғай		<i>Cotoneaster oliganthus Rojark.</i> -Камгулли ирғай
	<i>Crataegus L.</i> - Дўлана		<i>Crataegus pontica C.Koch.</i> - Понтик дўлана <i>Crataegus turkistanica</i> - Туркистон дўланаси
	<i>Malus Mill.</i> -Олма		<i>Malus siversii (Ldb)</i> <i>M.Roem.</i> -Ёввойи олма
	<i>Amygdalus L.</i> -Бодом		<i>Amygdalus spinosissima Bge.</i> - Сертикан бодом <i>Amygdalus petunnikovii Litv.</i> - Петунников бодоми,ёввойи бодом

26	<i>Fabaceae</i> - Бурчокдошлар	<i>Psoralea L.</i> - Оккурай	<i>Psoralea drupaceae</i> <i>Bge.</i> - Данакли оккурай
		<i>Alhagi Adans.</i> -Янтоқ	<i>Alhagi pseudalhagi</i> <i>Desf.</i> - Сохта янтоқ
		<i>Glycyrrhiza L.</i> - Ширинмия	<i>Glycyrrhiza glabra L.</i> - Туксиз ширинмия
		<i>Melilotus Mill.</i> - Қашқарбеда	<i>Melilotus officinalis</i> <i>(L.) Pall.</i> -Сарик қашқарбеда
		<i>Trifolium L.</i> -Себарга	<i>Trifolium pratense L.</i> - Ўтлоқ себаргаси
27	<i>Aceraceae</i> - Зарангдошлар	<i>Acer L.</i> -Заранг	<i>Acer semenovii</i> <i>Rgl.</i> -Семенов заранги <i>Acer negundo L.</i> - Шумтолбарг заранг
28	<i>Anacardiaceae</i> - Пистадошлар	<i>Pistacia L.</i> - Писта	<i>Pistacia vera L.</i> - Хандон писта
29	<i>Peganaceae</i> - Исирикдошлар	<i>Peganum L.</i> -Исирик	<i>Peganum harmala L.</i> - Оддий исирик
30	<i>Celastraceae R.Br.</i> - Нормушкдошлар	<i>Evonymus L.</i> - Нормушк	<i>Evonymus koopmannii</i> <i>Lauche.</i> -Коопман нормушки
31	<i>Rhamnaceae</i> - Чилонжийдадошлар	<i>Rhamnus L.</i> -Жумрут	<i>Rhamnus</i> <i>cathartica L.</i> -Тоғ

			жумрут, итжумрут
32	<i>Elaegnaceae</i> - Жийдадошлар	<i>Elaeagnus L.</i> - Жийда	<i>Elaeagnus orientalis L.</i> -Шарқ жийдаси <i>Elaeagnus angustifolia L.</i> - Ингичкабаргли жийда
33	<i>Apiaceae</i> -Зирадошлар	<i>Bunium L.</i> -Зира	<i>Bunium intermedium Korov.</i> -Ўртабўй зира
		<i>Ferula L.</i> -Коврак	<i>Ferula foetida L.</i> - Сассик коврак
		<i>Pimpinella L.</i> - Арпабодиён	<i>Pimpinella anisum L.</i> - Аниссимон арпабодиён
34	<i>Caprifoliaceae</i> - Шилвидошлар	<i>Lonicera L.</i> - Учқат	<i>Lonicera microphylla Wild.</i> -Майдабарг учқат
35	<i>Asteraceae</i> - Қоқиўтдошлар	<i>Helichrysum Gaertn.</i> - Ўлмасўт	<i>Heliichrysum maracandicum M.Pop.</i> - Самарқанд ўлмасўти
		<i>Inula L.</i> -Андиз	<i>Inula grandis Schrenk.</i> - Сарик андиз
		<i>Achillea L.</i> - Бўйимодарон	<i>Achillea millefolium L.</i> - Оддий бўйимодарон
		<i>Matricaria L.</i> - Мойчечак	<i>Matricaria recutita L.</i> -Қирқмабарг мойчечак

		<i>Tanacetum L.-</i> Дастарбош	<i>Tanacetum pseudachillea C.Winkl.-</i> Тоғдастарбош
		<i>Artemisia L.-Шувоқ</i>	<i>Artemisia absinthium L.-Аччиқ</i> шувоқ,эрмон
		<i>Tussilago L.-</i> Оққалдирмоқ	<i>Tussilago farfara L.-</i> Оддий оққалдирмоқ
		<i>Centaurea L.-Бўтакўз</i>	<i>Centaurea squarrosa Willd.-Ёйиқ бўтакўз</i>
		<i>Cichorium L.-</i> Сачратқи	<i>Cichorium intybus L.-</i> Оддий сачратқи
		<i>Taraxacum L.ex</i> <i>Wigg.-Қоқиўт</i>	<i>Taraxacum officinale</i> <i>Web.-Доривор қоқиўт</i>
36	<i>Gentianaceae-</i> Газакўтдошлар	<i>Gentiana L.-Газакўт</i>	<i>Gentiana olivieri</i> <i>Griseb.-Оливье</i> эрбаҳоси, газакўт
37	<i>Rubiaceae-</i> Рўяндодшлар	<i>Rubia L.-Рўян</i>	<i>Rubia tinctorum L.-</i> Бўёкдор рўян
38	<i>Solanaceae-</i> Итузумдошлар	<i>Solanum L.-</i> Итузум	<i>Solanum nigrum L.-</i> Қора итузум
		<i>Datura L.-</i> Бангидевона	<i>Datura stramonium L.-</i> Оддий бангидевона
39	<i>Convolvulaceae-</i> Печакдошлар	<i>Convolvulus L.-Печак</i>	<i>Convolvulus arvensis</i> <i>L.-Дала</i>

			печак,қўйпечак
40	<i>Oleaceae</i> - Зайтундошлар	<i>Fraxinus L.</i> -Шумтол	<i>Fraxinus americana L.</i> - Америка шумтоли
41	<i>Scrophulariaceae</i> - Сигиркуйрукдошлар	<i>Verbascum L.</i> - Сигиркуйрук	<i>Verbascum songoricum</i> <i>Schrenk.</i> -Жунғор сигиркуйруғи
42	<i>Plantaginaceae</i> - Зубтурумдошлар	<i>Plantago L.</i> -Зубтурум	<i>Plantago</i> <i>lanceolata L.</i> - Наштарбарг зубтурум <i>Plantago major</i> <i>L.</i> -Йирикбарг зубтурум
43	<i>Lamiaceae</i> - Ялпиздошлар	<i>Leonurus L.</i> - Арслонкулоқ	<i>Leonurus turkestanicus</i> <i>V.Krecz.</i> -Туркистон арслонкулоғи
		<i>Salvia L.</i> -Мармарак	<i>Salvia korolkovii Rgl.et</i> <i>Schmalh.</i> -Королков мармараги
		<i>Ziziphora L.</i> -Кийикўт	<i>Ziziphora pedicellata</i> <i>Pazij.</i> -Гулбандли кийикўт
		<i>Melissa L.</i> -Лимонўт	<i>Melissa officinale L.</i> - Доривор лимонўт
		<i>Origanum L.</i> - Тоғрайхон	<i>Origanum tyttanthum</i> <i>Gontsch.</i> -Майдагул тоғрайхон
		<i>Mentha L.</i> - Ялпиз	<i>Mentha arvensis L.</i> - Дала ялпиз

44	<i>Liliaceae</i> - Лоладошлар	<i>Tulipa L.</i> -Лола	<i>Tulipa gregii</i> <i>Rgl.</i> -Грейг лоласи, қизил лола <i>Tulipa mogoltavica</i> <i>Popov et Vved.</i> - Мўғилтоғ лоласи
		<i>Gagea Salisb.</i> - Бойчечак	<i>Gageia turkestanica</i> <i>Pascher.</i> -Туркистон бойчечаги
45	<i>Ixioliriaceae Nakae.</i> - Чучмомадошлар	<i>Ixiloirion L.</i> - Чучмома	<i>Ixiorion tataricum</i> <i>(Pall) Herb.</i> -Татар чучмомаси
46	<i>Alliaceae</i> - Пиёздошлар	<i>Allium L.</i> -Пиёз	<i>Allium</i> <i>pskemense B.Fedtsch.</i> - Писком пиёзи <i>Allium</i> <i>stipitatum Rgl.</i> -Анзур пиёз
47	<i>Cyperaceae</i> - Хилолдошлар	<i>Cyperus L.</i> - Саломалик	<i>Cyperus fuscus L.</i> - Қўнғир саломалик
48	<i>Poaceae</i> - Буғдойдошлар	<i>Agrostis L.</i> -Агростис	<i>Agrostis gigantea</i> <i>Roth.</i> - Дев агростис
		<i>Dactylis L.</i> -Оқсўхта	<i>Dactylus glomerata L.</i> - Тиғиз оқсўхта
		<i>Hordeum Torn.</i> -Арпа	<i>Hordeum</i> <i>bulbosum Torn.</i> - Пиёзли арпа

		<i>Bromus L.</i> -Ялтирбош	<i>Bromus danthoniae</i> <i>Trin.</i> -Дантони ялтирбоши
49	<i>Asphodelaceae</i> - Ширачдошлар	<i>Eremurus Bieb.</i> - Ширач	<i>Eremurus robustus</i> <i>Rgl.</i> - Пушти ширач
Жами	49	89	104

2-жадвал

Ўсимликларнинг флористик таркиби

№	Оила	Туркум	Тур
1	<i>Equisetaceae</i> Қирқбўғимдошлар	1	1
2	<i>Pinaceae</i> Қарағайдошлар	1	1
3	<i>Cupressaceae</i> Сарвдошлар	1	2
4	<i>Berberidaceae</i> - Зиркдошлар	1	1
5	<i>Ranunculaceae</i> - Айиқтовондошлар	2	2
6	<i>Papaveraceae</i> .- Кўкнордошлар	1	1
7	<i>Caryophyllaceae</i> - Чиннигулдошлар	2	2
8	<i>Chenopodiaceae</i> - Шўрадошлар	3	3
9	<i>Polygonaceae</i> - Торондошлар	3	3

10	<i>Platanaceae</i> - Чинордошлар	1	1
11	<i>Juglandaceae</i> - Ёнғокдошлар	1	1
12	<i>Hypericaceae</i> - Далачойдошлар	1	2
13	<i>Violaceae</i> Гунафшадошлар	1	1
14	<i>Salicaceae</i> - Толдошлар	2	4
15	<i>Tamaricaceae</i> - Юлғундошлар	1	1
16	<i>Capparaceae</i> -Ковулдошлар	1	1
17	<i>Brassicaceae</i> -Карамдошлар	2	2
18	<i>Malvaceae</i> -Гулхайридошлар	2	2
19	<i>Ulmaceae</i> -Қайроғочдошлар	1	1
20	<i>Celtidaceae</i> -Қатранғидошлар	1	1
21	<i>Moraceae</i> -Тутдошлар	1	3
22	<i>Canabaceae</i> -Нашадошлар	1	1
23	<i>Urticaceae</i> -Газандадошлар	1	1
24	<i>Euphorbiaceae</i> - Сутламадошлар	1	1
25	<i>Rosacea</i> -Раънодошлар	7	11
26	<i>Fabaceae</i> -Бурчокдошлар	5	5
27	<i>Aceraceae</i> -Зарангдошлар	1	2
28	<i>Anacardiaceae</i> -Пистадошлар	1	1
29	<i>Peganaceae</i> -Исирикдошлар	1	1
30	<i>Celastraceae</i> - Нормушкдошлар	1	1
31	<i>Rhamnaceae</i> -	1	1

	Чилонжийдадошлар		
32	<i>Elaegnaceae</i> -Жийдадошлар	1	2
33	<i>Apiaceae</i> -Зирадошлар	3	3
34	<i>Caprifoliaceae</i> - Шилвидошлар	1	1
35	<i>Asteraceae</i> -Қоқиўтдошлар	10	10
36	<i>Gentianaceae</i> -Газакўтдошлар	1	1
37	<i>Rubiaceae</i> -Рўяндодшлар	1	1
38	<i>Solanaceae</i> -Итузумдошлар	1	2
39	<i>Convolvulaceae</i> -Печакдошлар	1	1
40	<i>Oleaceae</i> -Зайтундошлар	1	1
41	<i>Scrophulariaceae</i> - Сигиркуйрукдошлар	1	1
42	<i>Plantaginaceae</i> - Зубтурумдошлар	1	2
43	<i>Lamiaceae</i> -Ялпиздошлар	6	6
44	<i>Liliaceae</i> -Лоладошлар	2	3
45	<i>Ixioliriacae</i> -Чучмомадошлар	1	1
46	<i>Alliaceae</i> -Пиёздошлар	1	2
47	<i>Cyperaceae</i> -Хилолдошлар	1	1
48	<i>Poaceae</i> -Бугдойдошлар	4	4
49	<i>Asphodelaceae</i> - Ширавдошлар	1	1
жами	49	89	104

3.2. Ўсимликларнинг ҳаётий шакллари. Сўқоқ қишлоғи ўсимликларини ҳаётий шаклларга ажратилганда ўсимликлар: дарахт, бута, кўп йиллик ўт, икки йиллик ўт ва бир йиллик ўт ўсимликларга ажратганимизда дарахт 23 та (22,1%), бута 12 та (11,5%), кўп йиллик ўт 49 та (47,1%), икки йиллик ўт 2 та (1,9 %), ва бир йиллик 18 та (17,%) ўт ўсимликларни ташкил этди [30,31,32,33].

3-жадвал

Ўсимликларнинг ҳаётий шакллари

№	Ўсимлик номи	Ҳаётий шакли
1	<i>Equisetum arvense</i> L. – Дала қирқбуғим	Кўп йиллик ўт
2	<i>Pinus selvestris</i> L. - Оддий қарағай	Дарахт
3	<i>Juniperus turkestanica</i> Kom. - Туркистон арчаси	Дарахт
4	<i>Juniperus seravschanica</i> - Зарафшон арчаси	Дарахт
5	<i>Berberis oblonga</i> (Rgl) Schnneid - Қора зирк	Бута
6	<i>Ranunculus arvensis</i> L. - Дала айиқтовони	Бир йиллик ўт
7	<i>Delphinium barbatum</i> Bge - Соқолли исфарақ	Бир йиллик ўт
8	<i>Roemeria refracta</i> DC. -Эгилган қизғалдоқ	Бир йиллик ўт
9	<i>Dianthus tetralapis</i> Nevski - Тўрттангачали чиннигул	Кўп йиллик ўт
10	<i>Acanthophyllum gyssophyloides</i> Rgl. - Гипсофиламо бўритикон, етмак	Кўп йиллик ўт
11	<i>Chenopodium album</i> L. - Оқ шўра	Бир йиллик ўт
12	<i>Spinacia turkestanica</i> JIjin. - Туркистон исмалоғи	Бир йиллик ўт
13	<i>Atriplex tatarica</i> L. - Татар олабутаси	Бир йиллик ўт
14	<i>Rheum maximowiczii</i> Losinsk. - Максимович ровочи	Кўп йиллик ўт
15	<i>Rumex crispus</i> L. - Жингалак отқулоқ	Кўп йиллик ўт
16	<i>Polygonum hydropiper</i> L. - Сув қалампир	Бир йиллик ўт
17	<i>Platanus orientale</i> L. - Шарқ чинори	Дарахт
18	<i>Juglans regia</i> L. - Греҳ ёнғоғи	Дарахт
19	<i>Hypericum perforatum</i> L. - Тешиқ чойўт, далачай	Кўп йиллик ўт
20	<i>Hypericum scabrum</i> L. - Дағал чойўт, қизилпойча	Кўп йиллик ўт
21	<i>Viola suavis</i> MB. - Ёқимли гунафша	Кўп йиллик ўт
22	<i>Salix excelsa</i> S.G.Gmel. - Қора тол	Дарахт
23	<i>Salix alba</i> L. - Оқ тол	Дарахт
24	<i>Populus nigra</i> L. - Қора терак	Дарахт
25	<i>Populus alba</i> - Оқ терак	Дарахт
26	<i>Tamarix arceuthoides</i> Bge. - Арчасимон юлғун	Бута

27	<i>Capparis spinosa L.</i> - Тиканли ковул	Кўп йиллик ўт
28	<i>Sisymbrium loeslii L.</i> - Лёзел қурттанаси	Бир йиллик ўт
29	<i>Capsella bursa-pastoris (L.) Medie.</i> - Оддий жағ-жағ, ачамбити	Бир йиллик ўт
30	<i>Althaea officinale L.</i> - Доривор гулхайри	Кўп йиллик ўт
31	<i>Malva neglecta Wall.</i> - Бефарқ тугмачагул	Бир йиллик ўт
32	<i>Ulmus densa Litv.</i> - Сада қайроғоч	Дарахт
33	<i>Celtis caucasia Wild.</i> - Кавказ қатранғиси	Дарахт
34	<i>Morus alba L.</i> - Оқ тут, балхи тут	Дарахт
35	<i>Morus nigra L.</i> – Шотут	Дарахт
36	<i>Morus bombycis Koidz.</i> - Қўноқ тут	Дарахт
37	<i>Cannabis ruderalis Janisch.</i> - Ёввойи наша	Бир йиллик ўт
38	<i>Urtica dioica L.</i> - Иккиуйли газанда, чаёнўт	Кўп йиллик ўт
39	<i>Euphorbia helioscopia (L.) Scop.</i> - Кунгабоқар сутлама	Бир йиллик ўт
40	<i>Rubus idaeus L.</i> - Оддий маймунжон	Бута
41	<i>Rosa canina L.</i> - Итбурун наъматак	Бута
42	<i>Rosa beggeriana Schrek.</i> - Беггер наъматаги	Бута
43	<i>Rosa fedtschenkoana Rgl.</i> - Федченко наъматаги	Бута
44	<i>Potintella reptans L.</i> - Ўрмаловчи ғозпанжа	Кўп йиллик ўт
45	<i>Cotoneaster oliganthus Pojark.</i> - Камгулли ирғай	Бута
46	<i>Crataegus pontica C. Koch.</i> - Понтик дўлана	Дарахт
47	<i>Crataegus turkistanica</i> - Туркистон дўланаси	Дарахт
48	<i>Malus siversii (Ldb) M.Roem.</i> - Ёввойи олма	Дарахт
49	<i>Amygdalus spinosissima Bge.</i> - Сертикан бодом	Бута
50	<i>Amygdalus petunnikovii Litv.</i> - Петунников бодоми, ёввойи бодом	Бута
51	<i>Psoralea drupaceae Bge.</i> - Данакли оқкурай	Кўп йиллик ўт
52	<i>Alhagi pseudalhagi Desf.</i> - Сохта янтоқ	Кўп йиллик ўт
53	<i>Glycyrrhiza glabra L.</i> - Туксиз ширинмия	Кўп йиллик ўт

54	<i>Melilotus officinale (L.) Pall.</i> - Сарик кашқарбеда	Икки йиллик ўт
55	<i>Trifolium pratense L.</i> - Ўтлоқ себаргаси	Кўп йиллик ўт
56	<i>Acer semenovii Rgl.</i> - Семенов заранги	Дарахт
57	<i>Acer negundo L.</i> - Шумтолбарг заранг	Дарахт
58	<i>Pistacia vera L.</i> - Хандон писта	Дарахт
59	<i>Peganum harmala L.</i> - Оддий исирик	Кўп йиллик ўт
60	<i>Evonymus koopmannii Lauche.</i> - Коопман нормушки	Бута
61	<i>Rhamnus cathartica L.</i> - Тоғ жумрут, итжумрут	Бута
62	<i>Elaeagnus orientalis L.</i> - Шарқ жийдаси	Дарахт
63	<i>Elaeagnus angustifolia L.</i> - Ингичкабаргли жийда	Дарахт
64	<i>Bunium intermedium Korov.</i> - Ўртабўй зира	Кўп йиллик ўт
65	<i>Ferula foetida L.</i> - Сассиқ коврак	Кўп йиллик ўт
66	<i>Pimpinella anisum L.</i> – Аниссимон арпабодиён	Бир йиллик ўт
67	<i>Lonicera microphylla Wild.</i> - Майдабарг учқат	Бута
68	<i>Helichrysum maracandicum M.Pop.</i> - Самарқанд ўлмасўти	Кўп йиллик ўт
69	<i>Inula grandis Schrenk.</i> - Сарик андиз	Кўп йиллик ўт
70	<i>Achillea millefolium L.</i> - Оддий бўйимодарон	Кўп йиллик ўт
71	<i>Matricaria recutita L.</i> - Қирқмабарг мойчечак	Бир йиллик ўт
72	<i>Tanacetum pseudachillea C. Winkl.</i> - Тоғдастарбош	Кўп йиллик ўт
73	<i>Artemisia absinthium L.</i> - Аччиқ шувок, эрмон	Кўп йиллик ўт
74	<i>Tussilago farfara L.</i> - Оддий оққалдирмоқ	Кўп йиллик ўт
75	<i>Centaurea squarrosa Willd.</i> - Ёйиқ бўтакўз	Кўп йиллик ўт
76	<i>Cichorium intybus L.</i> - Оддий сачратқи	Кўп йиллик ўт
77	<i>Taraxacum officinale Web.</i> - Доривор қоқиўт	Кўп йиллик ўт
78	<i>Gentiana olivieri Griseb.</i> - Оливье эрбаҳоси, газакўт	Кўп йилликўт
79	<i>Rubia tinctorum L.</i> - Бўёқдор рўян	Кўп йиллик ўт
80	<i>Solanum nigrum L.</i> - Қора итузум	Бир йиллик ўт

81	<i>Datura stramonium L.</i> - Оддий бангидевона	Бир йиллик ўт
82	<i>Convolvulus arvensis L.</i> - Дала печак,қўйпечак	Кўп йиллик ўт
83	<i>Fraxinus americana L.</i> - Америка шумтоли	Дарахт
84	<i>Verbascum songoricum Schrenk.</i> -Жунғор сигирқуйруғи	Икки йиллик ўт
85	<i>Plantago lanceolata L.</i> - Наштарбарг зуптурум	Кўп йиллик ўт
86	<i>Plantago major L.</i> - Ўйрикбарг зубтурум	Кўп йиллик ўт
87	<i>Leonurus turkestanicus V. Krecz.</i> -Туркистон арслонқулоғи	Кўп йиллик ўт
88	<i>Salvia korolkovii Rgl.et Schmalh.</i> -Королков мармарағи	Кўп йиллик ўт
89	<i>Ziziphora pedicellata Pazij.</i> -Гулбандли кийикўт	Кўп йиллик ўт
90	<i>Melissa officinale L.</i> -Доривор лимонўт	Кўп йиллик ўт
91	<i>Origanum tythanthum Gontsch.</i> -Майдагул тоғрайхон	Кўп йиллик ўт
92	<i>Mentha arvensis L.</i> -Дала ялпиз	Кўп йиллик ўт
93	<i>Tulipa gregii Rgl.</i> - Грейг лоласи,қизил лола	Кўп йиллик ўт
94	<i>Tulipa mogoltavica Popov et Vved.</i> -Мўғилтоғ лоласи	Кўп йиллик ўт
95	<i>Gaglia turkestanica Pascher.</i> -Туркистон бойчечағи	Кўп йиллик ўт
96	<i>Ixiolion tataricum (Pall) Herb.</i> -Татар чучмомаси	Кўп йиллик ўт
97	<i>Allium pskemense B.Fedtsch.</i> -Писком пиёзи	Кўп йиллик ўт
98	<i>Allium stipitatum Rgl.</i> -Анзур пиёз	Кўп йиллик ўт
99	<i>Cyperus fuscus L.</i> -Қўнғир саломалик	Бир йиллик ўт
100	<i>Agrostis gigantea Roth.</i> - Дев агростис	Кўп йиллик ўт
101	<i>Dactylus glomerata L.</i> -Тиғиз оқсўхта	Кўп йиллик ўт
102	<i>Hordeum bulbosum Torn.</i> -Пиёзли арпа	Кўп йиллик ўт
103	<i>Bromus danthoniae Trin.</i> -Дантони ялтирбоши	Бир йиллик ўт
104	<i>Eremurus robustus Rgl.</i> - Пушти ширач	Кўп йиллик ўт

3.3. Ўсимликларнинг минтақалар бўйича тарқалиши

Ўсимликларнинг минтақалар бўйича тарқалишини тахлил қилганимизда чўл ҳудудида 28 тур (27%), адир ҳудудида 101 та тур (97,1%), тоғ ҳудудида 84 та тур (81 %), баланд тоғ ҳудудида эса 21 та тур (20,1 %) ни ташкил қилди [11,29,36,39,40,43].

4-жадвал

Ўсимликларнинг минтақалар бўйича тарқалиши

№	Ўсимликнинг номи	Чўл	Адир	Тоғ	Баланд тоғ яйлов	Тарқалиш жойи
1	<i>Equisetum arvense</i> L. - Дала қирқбуғими	+	+	+	-	Нам тупроқларда, ариқ ва кўл бўйларида
2	<i>Pinus selvestris</i> L. - Оддий қарағай	-	-	+	-	Манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади
3	<i>Juniperus turkestanica</i> Kom. - Туркистон арчаси	-	+	+	+	Маида ва чағир тошли ён бағирларда ўсади.
4	<i>Juniperus seravschanica</i> - Зарафшон арчаси	-	+	+	+	Тошли ва чағир тошли ён бағирларда
5	<i>Berberis oblonga</i> (Rgl) <i>Schnneid</i> - Қора зирк	-	+	+	-	Тоғдан тушиб келаётган сойларнинг бўйларида кўпроқ тошлоқ жойларда ўсади
6	<i>Ranunculus arvensis</i> L. - Дала айиқтовони	-	+	+	-	Дарё бўйлари, экинлар орасида йўл ёқаларида ўсади

7	<i>Delphinium barbatum</i> Bge - Соқолли исфарак	-	+	+	-	Соз тупроқли, чағир- тошли қоятошли ён бағирларда ўсади
8	<i>Roemeria refracta</i> DC. -Эгилган қизғалдоқ	-	+	+	-	Адирлардаги партов ерлар боғ, йўл ёқалари лойли томларда ўсади
9	<i>Dianthus tetralapis</i> Nevski - Тўрттангачали чиннигул	-	+	+	-	Тошли ва юмшоқ тупроқли ерларда дарё бўйларида ўсади
10	<i>Acanthophyllum</i> <i>gyssophyloides</i> Rgl. - Гипсофиланамо бўритикон, етмак	+	+	+	-	Адир ва тоғ этаклари, тошли ёнбағирларда ўсади
11	<i>Chenopodium album</i> L. - Оқ шўра	+	+	-	-	Боғ ва экинзорларда, йўл ёқаларида ўсади
12	<i>Spinacia turkestanica</i> Jljin. - Туркистон исмалоғи	-	+	-	-	Экинлар орасида ўсади
13	<i>Atriplex tatarica</i> L. - Татар олабутаси	+	+	+	-	Ариқ ва каналлар бўйи экинлар атрофи йўл ёқаларида ўсади
14	<i>Rheum maximowiczii</i> Losinsk. - Максимович ровочи	-	+	+	+	Юмшоқ тупроқли ва тошли ерларда ўсади
15	<i>Rumex crispus</i> L. - Жингалак отқулоқ	-	+	+	-	Кўл, дарё ва ариқ бўйларида сернам тупроқларда ўсади

16	<i>Polygonum hydropiper</i> L. - Сув қалампир	+	+	-	-	Сув хавзалари қирғоқлари саёз ариқлар ва зовурлар ичида ўсади
17	<i>Platanus orientalis</i> L. - Шарқ чинори	-	+	-	-	Манзарали ўсимлик сифатида экилади
18	<i>Juglans regia</i> L. - Греҳ ёнғоғи	-	+	+	-	Тоғ ён бағирлари қияликларда ўсади
19	<i>Hypericum perforatum</i> L. - Тешиқ чойўт, далачой	-	+	+	-	Адир ва тоғларнинг сернам ерлари ариқ бўйларида ўсади
20	<i>Hypericum scabrum</i> L. - Дағал чойўт, қизилпойча	-	+	+	-	Адир ва тоғларнинг тошли ва шағалли ерларида ўсади
21	<i>Viola suavis</i> MB. - Ёқимли гунафша	-	+	-	-	Адирларда ўсади
22	<i>Salix excelsa</i> S.G.Gmel. - Қора тол	-	+	+	-	Манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади
23	<i>Salix alba</i> L. - Оқ тол	-	+	+	-	Манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади
24	<i>Populus nigra</i> L. - Қора терак	-	+	+	-	Манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади
25	<i>Populus alba</i> L. - Оқ терак	-	+	+	-	Манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади
26	<i>Tamarix arceuthoides</i> Bge. - Арчасимон юлғун	+	+	-	-	Дарё қирғоқлари қияли тепаликларда ўсади
27	<i>Carpinus spinosa</i> L. - Тиканли ковул	-	+	-	-	Йўллар ёқаси деворлар устида

						экинлар орасида ўсади
28	<i>Sisymbrium loeslii</i> L. - Лёзел курттанаси	-	+	+	-	Боғ ва экинзорларда дарё водийларда ўсади
29	<i>Capsella bursa- pastoris</i> (L.) Medie. - Оддий жағ-жағ, ачамбити	+	+	-	-	Боғ ва экинзорларда дарё бўйларида ўсади
30	<i>Althaea officinalis</i> L. - Доривор гулхайри	-	+	+	-	Тўқайзорлар, боғ ва ўтлоқи ерларда ўсади
31	<i>Malva neglecta</i> Wall. - Бефарқ тугмачагул	-	+	+	-	Суғориладиган ва баҳорикор ерларда ўсади
32	<i>Ulmus densa</i> Litv. - Сада қайроғоч	-	+	+	-	Манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади
33	<i>Celtis caucasia</i> Wild. - Кавказ қатранғиси	+	+	-	-	Йирик чағир тошли ён бағирларда ўсади
34	<i>Morus alba</i> L. - Оқ тут, балхи тут	-	+	+	-	
35	<i>Morus nigra</i> L. – Шотут	-	+	+	-	
36	<i>Morus bombycis</i> Koidz. - Қўноқ тут	-	+	+	-	Тут ипак курти боқиш учун ўстирилади
37	<i>Cannabis ruderalis</i> <i>Janisch.</i> - Ёввойи наша	-	+	+	+	Адир ва тоғ худудларида ўсади
38	<i>Urtica dioica</i> L. -	-	+	+	-	Нам жойларда ўсади

	Иккиуйли газанда, чаёнўт					
39	<i>Euphorbia helioscopia</i> (L.) Scop. - Кунгабоқар сутлама	-	+	+	-	Ариқ ва йўл ёқалари боғ полиз экинлар орасида ўсади
40	<i>Rubus idaeus</i> L. - Оддий маймунжон	-	+	+	+	Тоғ ёнбағирлари дарё бўйлари бутазорларда ўсади
41	<i>Rosa canina</i> L. - Итбурун наъматак	-	+	+	-	Дарё ва сойлар бўйида, боғ, ёнғокзор ва арчазорларда ўсади
42	<i>Rosa beggeriana</i> Schrek. - Беггер наъматаги	-	-	+	-	Дарё бўйларида дарахт ва буталар орасида, ариқ ва йўл ёқаларида ўсади
43	<i>Rosa fedtschenkoana</i> Rgl. - Федченко наъматаги	-	-	+	+	Тоғ даралари бутазорларда арчазорларда ўсади
44	<i>Potentiella reptans</i> L. - Ўрмаловчи ғозпанжа	-	+	+	-	Дарё, ариқ кўл булок бўйларида ўтзорларда воҳаларда ўсади
45	<i>Cotoneaster oliganthus</i> Pojark. - Камгулли ирғай	-	+	+	+	Тоғ ёнбағирларда қоялар ёриғида ўсади
46	<i>Crataegus pontica</i> C. Koch. - Понтик дўлана	-	+	+	+	Тоғ ҳудудларида ўсади

47	<i>Crataegus turkistanica</i> - Туркистон дўланаси		+	+	+	Тоғли ҳудудларда ўсади
48	<i>Malus siversii (Ldb)</i> <i>M.Roem.</i> - Ёввойи олма		+	+	+	Дарё ва сой соҳилларида тоғ ёнбағирларида ўсади
49	<i>Amygdalus</i> <i>spinosissima Bge.</i> - Сертикан бодом		+	+	+	Тошлоқ ёнбағирларида ўсади
50	<i>Amygdalus</i> <i>petunnikovii Litv.</i> - Петунников бодоми, ёввойи бодом		+	+	+	Тоғ ёнбағирларида дарё бўйларида ўсади
51	<i>Psoralea drupaceae</i> <i>Bge.</i> - Данакли оққурай	+	+	-	-	Чўл ва адир ҳудудларида ўсади
52	<i>Alhagi pseudalhagi</i> <i>Desf.</i> - Сохта янтоқ	+	+	+	-	Чўл, адир тоғ ҳудудларида экинлар орасида ўсади
53	<i>Glycyrrhiza glabra L.</i> - Туксиз ширинмия	+	+	+	-	Ариқ ва дарё бўйлари, тўқайзор ва экинлар орасида ўсади
54	<i>Melilotus officinale</i> <i>(L.) Pall.</i> - Сарик қашқарбеда	-	+	+	-	Воҳаларда экинлар орасида ва йўл ариқ ва дарё бўйларида ўсади
55	<i>Trifolium pratense L.</i> - Ўтлоқ себаргаси	-	+	+	-	Дарё ва ариқ бўйлари тоғ ўтлоқлари суғориладиган

						майдонларда ўсади
56	<i>Acer semenovii</i> Rgl. - Семенов заранги	-	+	+	-	Кўкаламзорлаштири ш мақсадида ўстирилади
57	<i>Acer negundo</i> L. - Шумтолбарг заранг	-	+	+	-	Кўкаламзорлаштири ш мақсадида ўстирилади
58	<i>Pistacia vera</i> L. - Хандон писта	-	+	+	-	Адир ва тоғ ёнбағирларида ўсади
59	<i>Peganum harmala</i> L. - Оддий исирик	+	+	-	-	Чўл ва адирларда ўсади
60	<i>Evonymus koopmannii</i> <i>Lauche.</i> - Коопман нормушки	-	+	+	-	Шағал-тошли тоғ ёнбағирларида ўсади
61	<i>Rhamnus cathartica</i> L. - Тоғ жумрут, итжумрут	-	+	+	-	Тоғ ёнбағирлари, арчазор ва ёнғокзорлар, сойлада ўсади
62	<i>Elaeagnus orientalis</i> L. - Шарқ жийдаси	+	+	+	-	Боғларда, арик бўйларида, тўқайзор- ларда ўсади
63	<i>Elaeagnus angustifolia</i> L. - Ингичкабаргли жийда	+	+	+	-	Боғларда, арик бўйларида, тўқайзор- ларда ўсади
64	<i>Bunium intermedium</i> Korov. - Ўртабўй зира	-	+	+	-	Майин тупроқли тоғ ёнбағирларида, соя- салқин ерларда ўсади
65	<i>Ferula foetida</i> L. - Сассиқ коврак	+	+	-	-	Чўл ва адир худудларида ўсади

66	<i>Pimpinella anisum</i> L. - Аниссимон арпабодиён	-	+	+	-	Зиравор ва эфир мойли ўсимлик сифатида экилади
67	<i>Lonicera microphylla</i> Wild. - Майдабарг учқат	-	+	+	-	Тоғ худудларидаги дарахт ва бутазорларда ўсади
68	<i>Heliichrysum</i> <i>maracandicum</i> M.Pop. - Самарқанд ўлмасўти	-	+	+	+	Адир ва тоғ худудларида ўсади
69	<i>Inula grandis</i> Schrenk. - Сариқ андиз	-	+	+	-	Майин тупроқли тоғ ёнбағирларида ўсади
70	<i>Achillea millefolium</i> L.-Оддий бўйимодарон	-	+	+	-	Тоғ ёнбағирларида,боғ ва экинзорларда,йўл ёқаларида ўсади
71	<i>Matricaria recutita</i> L. - Қирқмабарг мойчечак	-	+	+	-	Тоғли худудларда, дарё ва жилғалар бўйи, соя-салқин ерлар, дарахтлар тагида ўсади
72	<i>Tanacetum</i> <i>pseudachillea</i> C. Winkl. - Тоғдастарбош	-	+	+	-	Тоғли худудларда, дарё ва жилғалар бўйи, соя-салқин ерлар, дарахтлар тагида ўсади
73	<i>Artemisia absinthium</i> L. - Аччиқ шувок, эрмон	+	+	+	-	Чўл, адир ва тоғ худудларида ўсади
74	<i>Tussilago farfara</i> L. -	-	+	+	-	Ариқ ва дарё

	Оддий оққалдирмок					бўйларида, намли жойларда ўсади
75	<i>Centaurea squarrosa</i> Willd. - Ёйиқ бўтакўз	+	+	+	-	Адир ва тоғ худудларида ўсади
76	<i>Cichorium intybus</i> L. - Оддий сачратқи	+	+	+	-	Боғ ва экинзорлар, йўл ва ариқ бўйларида, тоғ ва адир худудларида ўсади
77	<i>Taraxacum officinale</i> Web. - Доривор қоқиўт	+	+	+	+	Ариқ ва йўл бўйларида ўсади
78	<i>Gentiana olivieri</i> Griseb. - Оливье эрбаҳоси, газакўт	-	+	+	-	Адирда ва тошли тоғ ёнбағирларида ўсади
79	<i>Rubia tinctorum</i> L.- Бўёқдор рўян	-	+	+	-	Ариқ бўйлари, боғ ва экинзорларда ўсади
80	<i>Solanum nigrum</i> L. - Қора итузум	-	+	+	-	Боғлар ва экинзорларда, йўл – ариқ бўйларида ўсади
81	<i>Datura stramonium</i> L. - Оддий бангидевона	+	+	-	-	Аҳоли яшайдиган жойлар, экинлар орасида ўсади
82	<i>Convolvulus arvensis</i> L. - Дала печак, қўйпечак	-	+	+	-	Экинлар орасида ўсади
83	<i>Fraxinus americana</i> . L - Америка шумтоли	-	+	+	-	Манзарали ўсимлик сифатида шаҳар

						кўчаларида ўстирилади
84	<i>Verbascum songoricum</i> Schrenk. - Жунғор сигиркуйруғи	-	+	+	+	Адир ва тоғ худудларида ўсади
85	<i>Plantago lanceolata</i> L- Наштарбарг зунтурум	+	+	-	-	Адир ва йўл бўйлари, боғлар ва турли экинлар орасида ўсади
86	<i>Plantago major</i> L.- Йирикбарг зубтурум	+	+	-	-	Ариқ, йўл бўйлари, дарё, булоқлар бўйи, ботқоқликлар, боғ ва экинзорларда ўсади
87	<i>Leonurus turkestanicus</i> V.Krecz. - Туркистон арслонқулоғи	-	+	+	-	Тоғ ёнбағирларида, тоғли худудлардаги ариқлар бўйи, жарликлар, боғларда ўсади
88	<i>Salvia korolkovii</i> Rgl.et Schmalh. - Королков мармарағи	-	+	+	-	Тоғли худудларда ўсади
89	<i>Ziziphora pedicellata</i> Pazij. - Гулбандли кийикўт	-	+	+	+	Чўл, адир ва тоғ худудларида ўсади
90	<i>Melissa officinalis</i> L.- Доривор лимонўт	-	+	+	-	Дарахтлар тагида, соя-салқин ерларда ўсади
91	<i>Origanum tythanthum</i> Gontsch. - Майдагул	-	+	+	+	Тоғ ёнбағирларида ўсади

	тоғрайхон					
92	<i>Mentha arvensis L.</i> - Дала ялпиз	-	+	-	-	Нам ерларда, арик ва дарё бўйларида ўсади
93	<i>Tulipa gregii Rgl.</i> - Грейг лоласи, қизил лола	-	+	+	+	Адир ва тоғнинг пастки қисмидаги бўз тупроқли ерларда ўсади
94	<i>Tulipa mogoltavica</i> <i>Popov et Vved.</i> - Мўфилтоғ лоласи	-	+	+	+	Тоғларнинг қуйи ва ўрта қисмидаги тошли ва соз тупроқли ёнбағирларда ўсади
95	<i>Gagea turkestanica</i> <i>Pascher.</i> - Туркистон бойчечаги	-	+	-	-	Адирлардаги майин тупроқларда ўсади
96	<i>Ixiolirion tataricum</i> <i>(Pall) Herb.</i> - Татар чучмомаси	-	+	+	-	Донли экинлар ораси, боғлар, экин далаларда ўсади
97	<i>Allium pskemense</i> <i>B.Fedtsch.</i> - Писком пиёзи	-	+	+	+	Тоғларда, қоя ва тошларнинг ёриқларида ўсади
98	<i>Allium stipitatum Rgl.</i> - Анзур пиёз	-	+	+	+	Тоғ ёнбағирларида ўсади
99	<i>Cyperus fuscus L.</i> - Қўнғир саломалик	+	+	-	-	Чўл, адир ва тоғ худудларидаги нам тупроқли ерлар, арик бўйи, шолিপоя ва суғориладиган

						экинлар орасида ўсади
100	<i>Agrostis gigantea</i> Roth. - Дев агростис	+	+	-	-	Адир ва тоғ худудидаги сернам жойларда, булоқлар атрофида ўсади
101	<i>Dactylus glomerata</i> L.- Тиғиз оқсўхта	+	+	-	-	Тоғ олди ва тоғли худудларда нам ерларда, боғ ва арик бўйларида ўсади
102	<i>Hordeum bulbosum</i> Torn. - Пиёзли арпа	+	+	+	-	Адир ва тоғ ёнбағирлари, воҳалардаги ғалла экинлари ораси ва марзаларда ўсади
103	<i>Bromus danthoniae</i> Trin. - Дантони ялтирбоши	+	+	+	-	Чўл, адир ва тоғ худудлари, экин майдонлари, боғ ва дарё бўйларида ўсади
104	<i>Eremurus robustus</i> Rgl. - Пушти ширач	+	+	+	-	Тоғларда соз тупроқли ерларда ўсади

3.4. Сўқоқ қишлоғи худудида кенг тарқалган баъзи бир оилаларнинг қисқача ботаник тавсифи

Сўқоқ қишлоғи худудида кенг тарқалган баъзи бир оилаларнинг қисқача тавсифи билан танишиб чиқамиз.

Оила- Polygonaceae- Торондошлар

Туркум – Rheum L.- Ровоч

Тур – *Rh. maximowiczii* Losinsk. - Максимович ровочи

Максимович ровочи кўп йиллик ўт. Бўйи 40-100 см. Пояси дағал, туби зангсимон қўнғир, барг қини билан ўралган. Барглари фақат илдиз олдида жойлашган. Барглари пластинкаси бутун, устида ортиқлар бор; узунлиги 40-50 см, эни 20-60 см. Тоғ ён бағирларида ўсади. Май-июль ойларида гуллаб, уруғ беради. Илдизи тери ошлашда ишлатилади. (2-расм)

Ибн Сино фикрига қараганда, равоч бачадондан қон кетаётган маҳалда, астма касаллиги, ичак яллиғланиши, буйрак, қовуқ касалликларида анча наф беради [5,10,45].

Унинг шифобахшлик хислатлари уни ёйса бадандаги зарарли утубатларни қуруқ айлантиради. Ичак аъзоларини тозалайди; равочнинг чама препаратлари ўт (сафро) ажратишни кучайтириб, яллиғланишга қарши таъсир кўрсатади.



2-расм. *Rheum maximowiczii* - Максимович ровочи

Оила – *Juglandaceae* - Ёнғоқдошлар

Туркум - *Juglans L.* - Ёнғоқ

Тур – *J. regia L.* - Оддий ёнғоқ

Juglandaceae – Ёнғоқдошлар оиласига 7 та туркумга мансуб 60 та тур киради.

Асосан, Евро Осиё ва Америкада тарқалган. Гуллари айрим жинсли. Чангчилари кучаласимон, тўпгулда жойлашган. Уруғчиси иккита мевачи, баргнинг қўшилиб ўсишидан ҳосил бўлган. Тугунчаси остки, меваси-ёнғоқ мева. Барглари тоқ, патсимон, мураккаб, эфир мой чиқаруви бошчалардан иборат [18,21,].

Ёнғоқ Пском, Угом, Чотқол, Ҳисор тизмаларида кенг тарқалган.

Ўрта Осиёнинг жанубий томонларида ёввойи ҳолда ўсади. Халқ табобатида ёнғоқнинг гуллари, барглари етилмаган ёки ғўралари, меваларининг пўстлари, етилмаган ёш ғўралар, ёнғоқ пўчоғи, мағзи, ағзининг орасида бўладиган тўсиқлари ва мойидан фойдаланилади.

Ёнғоқнинг ғўрасидан тайёрланадиган мураббо гипертанил, қандли диабетга даъво бўлади, ғўрасининг ўзини кам қонликда, мағзининг орасидаги тўсиқларидан тайёрланган дамламани диспенция, сурункали калид, гипертания, қандли диабетда; янги узиб олинган баргларининг сувини яллиғланишга қарши сиртга қўшиш учун буюрилади.

Янчилган ёнғоқ мағзини асалга аралаштириб бериш халқ табобатида қадимдан расм бўлган, ёнғоқ мойи эса сийдик, тош касаллигида пайдо бўладиган шишларга ҳам ишлатилади.

Ёнғоқнинг ёғочидан қимматбаҳо буюмлар тайёрланган. Меваси мағзида 75 % ёғ, пўстида ошловчи моддалар мавжуд (3 расм).



3-расм. *Juglans regia* - Оддий ёнғок

Оила – *Hypericaceae* -Далачойдошлар

Туркум – *Hypericum* L.-Далачой, чойўт

Тур – *H. - perforatum* L. Тешик чойўт, далачой

***Hypericum scabrum* L- Дағал чойўт, қизилпойча.**

Далачойдошлар оиласига 9 туркум, 400 дан ортиқ тур киради. Оила вакиллари асосан тропик ва субтропик худудларда кенг тарқалган. Ўзбекистонда 3 тури ўсади [27,28].

H. perforatum L., *Hypericum scabrum* L. кенг тарқалган. *Hypericum perforatum* L. - **Тешик чойўт, далачой**. Кўп йиллик ўт. Бўйи 30-35 см. Илдизи ёғочланган. Поя ва шохлари силлиқ. Барглари чўзиқ-тухумсимон, 10-17мм. Тўпгули қалқонсимон ёки думалоқ-тухумсимон, кўп гулли. Июль-сентябрь ойларида гуллаб уруғлайди. Адир ва тоғларнинг сернам ерлари, ариқ бўйларида ўсади.

Hypericum scabrum L - **Дағал чойўт, қизилпойча**. Кўп йиллик ўт. Бўйи 20-40 см. Поя ва шохлари ғадир будир. Барглари узунчоқ-қалами ёки наштарсимон, 10-15 мм. Барг қўлтиғидан шохчалар чиққан. Тўпгули қалқонсимон-рўвак. Май-июль ойларида гуллаб уруғлайди. Адир ва тоғларнинг тошли ва шағалли ерларида ўсади (4-расм).

Халқ табобатида – далачой ўтидан буйрак, юрак, меъда – ичак йўллари касалликлари, сил, гепатит, истерил, оғиз бўшлиғи ялиғланишига қарши уриштирадиган, тонусли кучайтирадиган ва антисептик восита сифатида, шунингдек , қон кетишини тўхтадиган дори сифатида ишлатилади. Далачой ўтидан Абу Али Ибн Сино жароҳатлар битишини тезлаштирадиган, оғриқни қолдирадиган даъво бўладиган дори сифатида фойдаланган



4-расм. *Hypericum scabrum* - Дагал чойўт, қизилпойча

Оила – *Moraceae* – Тутдошлар

Туркум – *Morus* - Тут

Тур – *Morus alba* - Оқ тут, *Morus nigra* - шотут

Moraceae – Тутдошлар оиласига 53 та туркумга мансуб 1400 тур киради. Ўзбекистонда 3 та туркумга мансуб 6 та тури бор. Бу оилага доим яшил ёки баргини тўкувчи сут ширали дарахт бута ва ўт ўсимликлар киради. Уларнинг барглари кетма-кет ёки қарама-қарши жойлашади. Барглари бутун, ўйилган ёки қайчи барг, тўп гуллари каллаксимон ёк бошоқсимон бўлиб, барг қўлтиғида жойлашган. Гуллари косачасимон 4 бўлакчали, чангчиси 4 та уруғчиси 1 ёки 2 та мевачи баргдан иборат. Меваси ёнғоқча ёки сохта данакча. (5-расм)

Оқ тут бўйи 15 метргача етадиган дарахт пояси кул ранг, кул ранг-кўнғир пўстлоқ билан қопланган. Барги буйраксимон, тухумсимон, ўткир ёки тўмтоқ учли, нотекис тишсимон қиррали бўлиб, шохларида банди билан кетма-кет жойлашган. Оталик ва оналик гуллари айрим-айрим кучалага тўпланган. Меваси оқ, сершира мевачалардан ташкил топган тўп мева апрель ойида гуллайди. Меваси май-июнда пишади. Тут барги ипак қурти учун озуқа манбаи ҳисобланади. Тут меваси шифобахш озуқа манбаи ҳисобланади. – шотут Ўзбекистоннинг барча вилоятларида ўстирилади.

Шотут бўйи 15 метргача етадиган дарахт. Пояси қизил, кўнғир рангли пўстлоқ билан қопланган. Барги тухумсимон, юраксимон, асосли, ўткир ёки тўмтоқ учли нотекис йирик тишсимон, қиррали ёки бўлакли бўлиб шохларида кетма-кет жойлашган. Гуллари бир жинсли, оталик ва оналик гуллари айрим-айрим кучалага тўпланган. Меваси қора ёки бинафша ранг, сершира мевачалардан ташкил топган тўп мева. (6-расм) Апрель ойида гуллайди [14,16].

Меваси май-июнда пишади. Шотут меваси халқ табobatiда иситма кўтарилганида ишлатилади. Тут барги ипак қурти учун озуқа манбаи ҳисобланади. Тут меваси шифобахш озуқа ҳисоланади.



5-расм. *Morus alba* -Оқ . тут, балх тут



6-расм. *Morus nigra* -Шотут

Оила – *Rosaceae* - Раънодошлар

Туркум – *Rosa* - Наъматак

Тур – *Rosa canina* - Итбурун наъматак

Rosaceae – Раънодошлар оиласига 100 та туркумга мансуб 3000 дан ортиқ турларни ўз ичига олади. Ўзбекистонда 11 туркумга оид 96 тури ўсади. Улар ер юзидида жуда кенг тарқалган дарахт, бута, лиана ва ўт ўсимликлардан иборат. Кўпчилик турларида гуллари актиноморф, икки жинсли, айрим турларида зигоморф, чангчилари гулкоса, гултожи барглари тенг, косача ва гултожи барглари 5 тадан бўлиб жойлашади. Уруғчиси кўп ёки битта мевалари турлича: резавор, сохта мева, баргак, ёнғоқ [6,7,22].

Rosa canina - Итбурун наъматак бўйи 3 метргача белган йирик бута. Тиканлари зич, қаттиқ учи бир оз пастга эгилган, туби учбурчак бўлиб йўғонлашган. Барглари 5-7 япроқли, япроқлари оддий ёки икки қарра ўткир тишли, туксиз, узунлиги 15-50 мм. Косача барглари учбурчаксимон, сиртдагилари қисман патсимон. Меваси қизил ёки тухумсимон, ялтироқ. Май-июл ойларида гуллаб, июль-октябрда мева беради (7-расм).

Наъматак меваси таркибидида витамин С, В, К, Р, шунингдек каротин, қандлар органик кислоталар, флавоноидлар, ошловчи, пектин ва бошқа моддалар бор.

Халқ табобатида мева қайнатмаси ёки дамламаси қон оқшини тўхтатувчи, иситма қолдирувчи дори сифатида ҳамда меъда ичак касалликларини даволаш, оғиз бўшлиғи касалликларида оғиз чайиш сифатида ишлатилади.



7-рaсм. *Rosa canina* - Итбурун наѣматaк

Туркум – *Rubus L.* - Маймунжон

Тур – *Rubus idaeus L.* - Оддий маймунжон

Rubus idaeus L. - Оддий маймунжон бута ўсимлик бўлиб, бўйи 50-120 см, бир йиллик, новдалари тик ўсади, цилиндрсимон, дағал тукли ёки тиканли. Май ойларида гуллаб, июнь-июлда меваси пишади [9,12].

Малина меваси таркибида қандлар органик кислоталар, флавоноидлар, витаминлар, азотли, шиллик, бўёқ, пектин, ошловчи, минерал моддалар бор.

Малинадан халқ табобатида турли касалликларни даволашда қадимдан фойдаланиб келинади. Янги йиғилган мевасини кам қонликда, ич кетганда, цинга ва буйрак касалликларига ҳамда иштаха очиш ва овқат ҳазм бўлишда ишлатилади.

Туркум – *Crataegus* - Дўлана

Тур – *Crataegus pontica* - Понтик дўлана

Crataegus pontica C Koch - Понтик дўлана дарахт ўсимлик бўлиб, бўйи 6-10 метр. Май-июнь ойларида гуллаб, сентябрь-октябрь ойларида меваси пишади. Меваси тўқ сариқ, тилла ранг, 4-5 данакли, барглари йирик, кенг учбурчаксимон 5-7 бўлакли. Ўткир учли, бўйи ва эни 4,5-6,5 см.

Дўлана меваси таркибида 11-15 % қандлар олма ва органик кислоталар С витамин, каротин бўёқ минерал, ошловчи моддалар мавжуд [19,47].

Дўлана қадимдан халқ табобатида турли касалликларни даволаш учун қўлланилади. Дўлана меваси юрак касалликларини даволашда ишлатилади.

Оила – *Fabaceae* - Бурчокдошлар

Туркум – *Alhagi* - Янтоқ

Тур – *Alhagi pseudalhagi* - Сохта янтоқ

Fabaceae – Бурчокдошлар оиласи энг катта оилалардан бири бўлиб, 650 туркумга мансуб, 18 минг турни ўз ичига олади. Бу оила вакиллари ер шарининг ҳамма қуруқликларида учрайди. Ўзбекистонда эса 35 туркумга оид 420 тури ўсади [2,38].

Alhagi- Янтоқ баландлиги 30-110 см, баъзан 130 см гача бўлган тиканли, кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсувчи шохланган. Барглари

тухумсимон. Чўзиқ думалоқ , текис қиррали бўлиб поя ва шохларда қисқа банди ёрдамида ёки бандсиз кетма-кет ўрнашган. Меваси кўп уруғли, тасбехсимон, пишганда очилмайдиган дуккак. Май-сентябрь ойларида гуллайди. Меваси август-октябрь ойларида етилади (8-расм).

Янтоқнинг ер устки қисми таркибида қандлар, органик кислоталар, эфир мойи, флавоноидлар, кумаринлар, витамин С, В гурухи ва каротин, алколоидлар, гликозидлар, антоциантлар, смолалар, шиллиқ ошловчи (8,2 % гача) минерал ва бошқа моддалар бор. Қадимдан янтоқ табобатда турли касалликларни даволаш учун ишлатиб келинади. Янтоқ ер устки қисмидан тайёрланган дамламани чой ўрнида ёзда кўп истеъмол қилинади. Учанқоқни яхши қолдиради. Одам чарчаганда чарчашни олиб, организмга қувват беради.

Туркум – *Glycyrrhiza* – Ширинмия

Тур – *Glycyrrhiza glabra* - Туксиз ширинмия

Ширинмиянинг Ўзбекистонда 5 та тури ёввойи ҳолда ўсади. Ширинмия кўп йиллик ўт бўйи 45-120 см. Барглари чўзиқ-тухумсимон ёки наштарсимон. Тўпгули сийрак. Гуллари сиёҳ ранг. Дуккаги 2-7 уруғли. Апрель- июнь ойларида гуллаб, июнь-сентябрда уруғлайди. Арик ва дарё бўйлари, тўқайзорда ва экинлар орасида ўсади. (9-расм).

Илдизи табобатда кўп ишлатилади. Илдизи таркибида 4,6-20% глицеризин 10% қанд, 0,035 % эфир мойи, баргида витамин С 14% крахмал 8% ошловчи модда бор. Ибн Сино ширинлик илдизидан турли касалликларни даволашда фойдаланган. Ҳозир ҳам ундан халқ ва илмий табобатда фойдаланилади [20,37].



8-рasm- *Alhagi pseudalhagi* - Сохта янтоқ



9-рasm- *Glycyrrhiza glabra* - Туксиз ширинмия

Оила – *Asphodelaceae* - Ширащдошлар

Туркум- *Eremurus Bieb.*- Ширащ

Тур - *E. robustus Rgl.* - Пушти ширащ

Ширащдошлар оиласи 50 та туркумга мансуб, 1500 тага яқин турларни ўз ичига олади. Ҳаётий шаклига кўра оилада кўп йиллик ўт ва буталар устунлик қилади. Ўзбекистонда ширащлар туркумига мансуб 21 тур ўсади. Улардан 17 тури Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”га киритилган. *E. robustus Rgl.* - Кўп йиллик ўт. Бўйи 100-200 см. Кўсакчаси шарсимон, силлиқ, эни 1.5-2.5 см. Май- июль ойларида гуллаб уруғлайди. Тоғ зонасида учрайди. Соз тупроқли ерларда ўсади. Гулкўрғон баргчалари сарғиш. Барглари қалами эни 10-25 мм. (10-расм) [21,16].



10-расм. *Eremurus robustus* . - Пушти ширащ

Оила- *Ariaceae*- Зирадошлар

Туркум – *Pimpinella L.* - Арпабодиён

Тур – *Pimpinella anisum* - Аниссимон арпабодиён

Арпабодиён бир йиллик ўт. Зирадошлар оиласига мансуб, ўтсимон ўсимлик. Унинг бўйи 60-70 см атрофида, пояси тик ўсувчи, тукли, кўп қиррали, юқори қисми шохланган. Поя ва барглари яшил, илдизга яқин ва поянинг пастки қисмида жойлашган барглари узун, уч бўлакли, қирраси тишсимон, поянинг устки барглари 2-5 бўлакка патсимон қирқилган. Барглар пояда кетма-кет жойлашган. Гуллари майда, кўримсиз, мураккаб соябонга тўпланган бўлиб, оқ сариқ рангли бўлади. Май-июль ойларида гуллайди, меваси августда етилади. Уруғи тухумсимон, сертук бўлади. Меваси кўшалок пистадан иборат [22].

Ўрта Осиё республикаларида арпабодиён кенг кўламда ўстирилиб, меваси зиравор сифатида ишлатилади.

Ўсимлик меваси таркибида 2-3% микдорда эфир мойи бўлиб, унинг асосий қисмини анетол (80-90%), анис альдегиди ва кислотаси, метилхавикол ташкил қилади.

Арпабодиён кунжарасида 17-20 % оқсил ва 16-22 % мой бўлганлиги туфайли у қорамоллар учун тўйимли озиқ ҳисобланади.

Халқ орасида арпабодиён меваларининг шифобахшлик хусусиятлари қадимдан маълум. Чунончи, ўсимлик меваси терлатувчи, эмизикли аёлларнинг кўкрак сутини кўпайтирувчи, меъда ва ичак касалликларига дори сифатида ишлатилган. Шарқ табиблари арпабодиён мевасининг қайнатмасини тана ҳарорати кўтарилганда, сийдик ва ўт ажралиши қийинлашганда, мижоз сусайганда, асабийлашганда, қорин дам бўлганда ичишни тавсия қилишган.

Абу Али ибн Сино арпабодиённи қиздириб, тутуни ҳидланса бош оғриғи ва бош айланиши тўхташини ҳақида маълумот берган. Шунингдек, у арпабодиённи эзиб, атиргул мойи билан аралаштириб қулоқ оғриғини даволаган. Ибн Сино арпабодиёндан сийдик ажралишини кучайтиришда,

бачадон, жигар ва талоқ фаолиятини яхшилашда, эски безгакни даволашда ҳам фойдаланган.

Илмий медицинада арпабодиён мевасидан тайёрланган дори дармонлар қорин оғриғини (спазм) қолдириш, ичак фаолиятини яхшилаш, ел хайдаш учун тавсия қилинади. Улар анацид гастритни даволашда қўлланилади. Арпабодиён мойи ва мевасининг дамламасидан юқори нафас йўлларининг шамоллаши, трахеит, ларингит, йирингли бронхит, ўпка гангренази, қизамиқ касалликларини даволашда фойдаланилади.

Бу шифобахш ўсимликдан кондитер ва парфюмерия саноатида, холва тайёрлашда, новвойчиликда ҳам фойдаланилади.

Арпабодиён уруғи таркибида 2,5-4 % гача эфир мойи мавжуд.

Оила– *Asteraceae*–Қоқиўтдошлар

Туркум– *Achillea*– Бўймадорон

Тур– *Achillea millefolium*– Оддий бўймадорон

Оддий бўймадарон – *Achillea millefolium* L пояси бир ёки бир неча чизиқли, бўйи 70-80 см га етадиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Унинг барги патсимон қирқилган, яшил рангли, устки томони тукли, улар поячада бандсиз кетма-кет жойлашган. Поянинг учида ясси тўпгуллар саватча кўринишида жойлашган бўлиб, ранглари кумушсимон-оқиш бўлади. Меваси кулранг писта. Ўсимлик бизнинг шароитимизда июнь-август ойларида гуллайди, меваси ёзнинг охири ва куз бошларида пишади (11-расм).

Бўймадарон республикамизнинг кўпгина районларида ўсади. У адир, қир, ўтлоқ, тоғ ёнбағлари, йўл атрофлари, боғларда, майда шағалли қияликларда учрайди [35,47].

Бўймадарон шифобахш бўлиб, унинг таркибида кўп миқдорда витамин С, К, каротин, фитонцидлар, эфир мойлари, гликоалкалоид ахиллеин, флавоноидлар, органик кислоталар, микроэлементлар, шундан буйракдаги тошни туширишда, нафас йўли шамоллаганда фойдаланганлар.



11-расм. *Achillea Millefolium*– Оддий бўймадорон

Абу Али ибн Сино ўсимликнинг ўти, айникса, гулларида тайёрланган дамламаларни тарқаб кетиши қийин бўлган шишлар, лат ейиш, эт узилиши, бел оғриғи каби касалликларнинг давоси сифатида ҳамда буйрак ва қовуқ тошларини нуратувчи омил сифатида ишлатган.

Бўймадарон гулидан косметика соҳасида кенг қўлланилади. Ундан тайёрланган дахлама билан компресс қилинса, киши юзидаги хуснбузар, чипқон, сизлоғич ва бошқа тошмаларга малҳам бўлади .

Ўсимликдан олинадиган эфир мойлари саноат кўламида тайёрланадиган мойупа, хушбўй лосьонлар таркибига қўшилади. Улар терини латифлаштиради, рангини тиниқлаштиради.

Туркум – *Tussilago L.* – Оққалдирмоқ

Тур – *T. farfara L.* - Оддий оққалдирмоқ

Оддий оққалдирмоқ кўп йиллик ўт. Илдиз пояли ўсимлик 5-25 см. Барглари думалоқ юраксимон, тишли усти туксиз, яшил, орқаси оқ, момик тукли. Гуллари тилсимон, 16-18 мм, саватча марказидаги гуллари 12-13 мм. Ўсимлик гуллаб бўлгач, илдиз бўғзида барглар ҳосил қилади. Апрель-май ойларида гуллаб уруғлайди. Ариқ ва дарё бўйлари, намли жойларда ўсади (12-расм) [18,17].





12-расм- *Tussilago farfara* - Оддий оққалдирмоқ

Оила – *Lamiaceae* - Ялпиздошлар

Туркум – *Ziziphora L.*- Кийикўт

Тур – *Z. pedicellata Pazij* - Гулбандли кийикўт, кийикўт.

Ялпиздошлар оиласига 200 туркум 3500 тур киради. Ўзбекистонда 38 туркумга оид 214 тури ўсади. Оила вакилларининг пояси 4 қиррали барглари оддий пояда қарама-қарши жойлашган гултожибарглари 2 лабли устки лаби 2 та осткиси 3 та гултожибаргдан иборат чангчилари 4 та баъзан 2 та уруғчиси 2 та мевабаргли, меваси ёнғоқча. (13-расм).

Гулбандли кийикўт, кийикўт. Кўп йиллик ўт. Бўйи 20-40 см. Барглари наштарсимон ёки ингичка наштарсимон. Июнь-сентябрь ойларида гуллаб уруғлайди. Тоғ ён бағирларида ўсади. Эфир мойли ўсимлик (13-расм) [14,18].

Туркум – *Mentha L.*-Ялпиз

Тур – *Mentha asiatica L.*- Осиё ялпиз.

Осиё ялпиз кўп йиллик ўт. Бўйи 60-100 см. Пояси тик ўсади, шохланган. Барглари наштарсимон – чўзиқ. Июнь - сентябрь ойларида гуллаб, уруғлайди. Нам ерлар, ариқ ва дарё бўйларида ўсадиган эфир мойли ўсимлик [14,18].

Оила – *Lamiaceae* - Ялпиздошлар

Туркум – *Origanum L.* - Тоғрайхон

Тур – *O. tythanthum L.* - Майдагул тоғрайхон

Майдагул тоғрайхон. Кўп йиллик ўт. Бўйи 30-60 см. Пояси бир нечта, тик ўсади. Тепа қисмидан шохланган. Барглари чўзиқ – тухумсимон, асоси кенг панасимон. Гуллари бошоқсимон чаласоябонларга тўпланган ва улар каллакчали тўпгул ҳосил қилади. Гултожиси оқ сиёҳ ранг. Июнь-сентябрь ойларида гуллаб уруғлайди. Тоғ ён бағирларида ўсади (14-расм) [21,48].



13-расм- *Ziziphora pedicellata* - Нафис кийикўти



14-расм- *Origanum thythanthum* - Майдагул тоғрайхон

III боб бўйича хулосалар

1. Сўқоқ қишлоғи флорасини ўрганганимизда 48 та оилага мансуб 89 та туркум ва 104 та тур мавжудлиги аниқланди.

2. Сўқоқ қишлоғи ўсимликларини ҳаётий шаклларга ажратилганда ўсимликлар: дарахт, бута, кўп йиллик ўт, икки йиллик ўт ва бир йиллик ўт ўсимликлардан иборат бўлиб, дарахт 23 та (22,1%), бута 12 та (11,5%), кўп йиллик ўт 49 та (47,1%), икки йиллик ўт 2 та (1,9 %), ва бир йиллик 18 та (17,%) ўт ўсимликларни ташкил этди.

3. Ўсимликларнинг минтақалар бўйича тарқалишини тахлил қилганимизда чўл ҳудудида 28 тур (27%), адир ҳудудида 101 та тур (97,1%), тоғ ҳудудида 84 та тур (81 %), баланд тоғ ҳудудида эса 21 та тур (20,1 %) учраши аниқланди.

4. Сўқоқ қишлоғи ҳудудида кенг тарқалган баъзи бир оилаларнинг қисқача ботаник тавсифлари ўрганилди.

IV - БОБ. ПАРКЕНТ ТУМАНИ СЎҚОҚ ҚИШЛОҒИ АТРОФИДА ТАРҚАЛГАН ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ АҲАМИЯТИ

Сўқоқ қишлоғи флорасини ўрганишимиз асосида ўсимликларнинг халқ хўжалигида ишлатилиши бўйича таҳлил қилганимизда, озиқ-овқат бўладиган ўсимликлар 24 та тур (23%), доривор ўсимликлар 54 та (52 %), манзарали 49 та (47,1%), эфир мойли 21 та тур (20,1%), ем - хашак ўсимликлар 25та тур (24 %) ни ташкил қилди [14,22,26,].

5- жадвал

Ўсимликларнинг ишлатилиши бўйича таҳлили

№	Ўсимликларнинг номи	Озиқ-овқат	Доривор	Манзарали	Эфир-мойли	Ем-хашак
1	<i>Equisetum arvense L.</i> - Қирқбўғимсимон қизилча	-	+	-	-	-
2	<i>Pinus selvestris L.</i> - Оддий қарағай	-	-	+	+	-
3	<i>Juniperus turkestanica</i> Kom. - Туркистон арчаси	-	-	+	+	-
4	<i>Juniperus seravschanica</i> Зарафшон арчаси	-	-	+	+	-
5	<i>Berberis oblonga(Rgl)</i> Schneid - Қора зирк	+	-	+	-	-
6	<i>Ranunculus arvensis L.</i> - Дала айиқтовони	-	+	-	-	-
7	<i>Delphinium barbatum</i> Bge - Соқолли	-	-	-	-	+

	исфарак					
8	<i>Roemeria refracta</i> DC. -Эгилган қизғалдоқ	-	-	+	-	-
9	<i>Dianthus tetralapis</i> <i>Nevski</i> - Тўрттангачали чиннигул	-	-	+	-	-
10	<i>Acanthophyllum</i> <i>gypsophyloides</i> Rgl. - Гипсофиланамо бўритикон, етмак	-	-	-	-	+
11	<i>Chenopodium album</i> L. - Оқ шўра	-	-	-	-	+
12	<i>Spinacia turkestanica</i> <i>Iljin.</i> - Туркистон исмалоғи	+	+	-	-	-
13	<i>Atriplex tatarica</i> L. - Татар олабутаси	-	+	-	-	+
14	<i>Rheum maximowiczii</i> <i>Losinsk.</i> - Максимович ровочи	+	+	-	-	-
15	<i>Rumex crispus</i> L. - Жингалак отқулоқ	-	+	-	-	+
16	<i>Polygonum hydropiper</i> L. - Сув қалампир	-	+	-	-	-
17	<i>Platanus orientalis</i> L. - Шарқ чинори	-	-	+	-	-
18	<i>Juglans regia</i> L. - Греҳ ёнғоғи	+	+	+	+	-

19	<i>Hypericum perforatum</i> L. - Тешик чойўт, далачой	-	+	-	-	-
20	<i>Hypericum scabrum</i> L. - Дағал чойўт, қизилпойча	-	+	-	-	-
21	<i>Viola suavis</i> MB. - Ёқимли гунафша	-	-	+	-	-
22	<i>Salix excelsa</i> S.G.Gmel. - Қора тол	-	-	+	-	-
23	<i>Salix alba</i> L. - Оқ тол	-	-	+	-	-
24	<i>Populus nigra</i> L. - Қора терак	-	-	+	-	-
25	<i>Populus alba</i> L. - Оқ терак	-	-	+	-	-
26	<i>Tamarix arceuthoides</i> Vge. - Арчасимон юлғун	-	-	+	-	-
27	<i>Capparis spinosa</i> L. - Тиканли ковул	-	+	-	-	+
28	<i>Sisymbrium loeslii</i> L. - Лёзел қурттанаси	-	-	-	-	+
29	<i>Capsella bursa-</i> <i>pastoris</i> (L) Medie. - Оддий жағ-жағ, ачамбити	+	+	-	-	-
30	<i>Althaea officinalis</i> L. - Доривор гулхайри	-	+	+	-	-
31	<i>Malva neglecta</i> Wall. -	-	-	+	-	-

	Бефарқ тугмачагул					
32	<i>Ulmus densa</i> Litv. - Сада қайроғоч	-	-	+	-	-
33	<i>Celtis caucasia</i> Wild. - Кавказ қатранғиси	-	-	+	-	-
34	<i>Morus alba</i> L. - Оқ тут, балхи тут	+	+	+	-	-
35	<i>Morus nigra</i> L. - Шотут	+	+	+	-	-
36	<i>Morus bombycis</i> <i>Koidz.</i> - Қўноқ тут	+	+	+	-	-
37	<i>Cannabis ruderalis</i> <i>Janisch.</i> - Ёввойи наша	-	-	-	-	+
38	<i>Urtica dioica</i> L. - Иккиуйли газанда, чаёнўт	-	+	-	-	-
39	<i>Euphorbia helioscopia</i> (L) <i>Scor.</i> - Кунгабоқар сутлама	-	-	-	-	+
40	<i>Rubus idaeus</i> L. - Оддий маймунжон	+	+	+	-	-
41	<i>Rosa canina</i> L. - Итбурун наъматак	+	+	+	-	-
42	<i>Rosa beggeriana</i> <i>Schrek.</i> - Беггер наъматаги	+	+	+	-	-
43	<i>Rosa fedtschenkoana</i> <i>Rgl.</i> - Федченко	+	+	+	-	-

	наъматаги					
44	<i>Potentilla reptans</i> L. - Ўрмаловчи ғозпанжа	-	+	-	-	-
45	<i>Cotoneaster oliganthus</i> Pojark. - Камгулли ирғай	-	-	+	-	-
46	<i>Crataegus pontica</i> -C. Koch. - Понтик дўлана	+	-	-	-	-
47	<i>Crataegus turkistanica</i> - Туркистон дўланаси	+	+	-	-	-
48	<i>Malus siversii</i> (Ldb) M.Roem. - Ёввойи олма	+	-	-	-	-
49	<i>Amygdalus</i> <i>spinosissima</i> Bge. - Сертикан бодом	+	-	-	-	-
50	<i>Amygdalus</i> <i>petunnikovii</i> Litv. - Петунников бодоми, ёввойи бодом	-	+	-	-	-
51	<i>Psoralea drupacea</i> Bge. - Данакли оқкурай	-	+	-	-	+
52	<i>Alhagi pseudalhagi</i> Desf. - Сохта янтоқ	-	+	-	-	+
53	<i>Glycirriza glabra</i> L. - Туксиз ширинмия	-	+	-	-	+
54	<i>Mellotus officinalis</i>	-	+	-	-	+

	(L.) Pall. - Сарик кашқарбеда					
55	<i>Trifolium pratense</i> L. - Ўтлоқ себаргаси	-	-	-	-	+
56	<i>Acer semenovii</i> Rgl. - Семенов заранги	-	-	+	-	-
57	<i>Acer negundo</i> L. - Шумтолбарг заранг	-	-	+	-	-
58	<i>Pistacia vera</i> L. - Хандон писта	+	-	-	-	-
59	<i>Peganum harmala</i> L. - Оддий исирик	-	+	-	-	-
60	<i>Evonymus koopmannii</i> <i>Lauche.</i> - Коопман нормушки	-	-	+	-	-
61	<i>Rhamnus cathartica</i> L. - Тоғ жумрут, итжумрут	+	-	+	-	-
62	<i>Elaeagnus orientalis</i> L. - Шарқ жийдаси	+	+	-	+	-
63	<i>Elaeagnus angustifolia</i> L. - Ингичкабаргли жийда	+	-	-	+	-
64	<i>Bunium intermedium</i> Korov. - Ўртабўй зира	+	-	-	+	-
65	<i>Ferula foetida</i> L. - Сассиқ коврак	-	+	-	+	-
66	<i>Pimpinella anisum</i> L. - Аниссимон	+	+	-	+	-

	арпабодиён					
67	<i>Lonicera microphylla</i> Wile. - Майдабарг учқат	-	-	+	-	-
68	<i>Helichrysum maracandicum</i> M.Pop. -Самарқанд ўлмасўти	-	+	-	-	-
69	<i>Inula grandis</i> Schrenk. - Сарик андиз	-	+	-	-	-
70	<i>Achillea millefolium</i> L.-Оддий бўйимодарон	-	+	+	+	-
71	<i>Matricaria recutita</i> L.- Қирқмабарг мойчечак	-	+	+	+	-
72	<i>Tanacetum pseudachillea</i> C. Winkl. -Тоғдастарбош	-	+	+	+	-
73	<i>Artemisia absinthium</i> L. - Аччиқ шувок, эрмон	-	+	-	+	-
74	<i>Tussilago farfara</i> L. - Оддий оққалдирмоқ	-	+	-	-	-
75	<i>Centaurea squarrosa</i> Willd. - Ёйиқ бўтакўз	-	+	-	-	-
76	<i>Cichorium intybus</i> L. - Оддий сачратқи	-	+	-	-	-
77	<i>Taraxacum officinale</i> Web.-Доривор қоқиўт	-	+	+	-	-

78	<i>Gentiana oliveri</i> <i>Griseb.</i> -Оливье эрбахоси,газакўт	-	-	+	-	-
79	<i>Rubia tinctorum L.</i> - Бўёқдор рўян	-	-	+	-	+
80	<i>Solanum nigrum L.</i> - Қора итузум	-	+	-	-	-
81	<i>Datura stramonium L.</i> - Оддий бангидевона	-	+	+	+	-
82	<i>Convolvulus arvensis</i> <i>L.</i> -Дала печак, кўйпечак	-	-	-	-	+
83	<i>Fraxinus Americana</i> <i>L.</i> -Америка шумтоли	-	-	+	-	-
84	<i>Verbascum songoricum Schrenk.</i> - Жунғор сигирқуйруғи	-	-	-	-	+
85	<i>Plantago lanceolata</i> <i>L.</i> -Наштарбарг зуптурум	-	+	-	-	+
86	<i>Plantago major L.</i> - Йирикбарг зубтурум	-	+	-	-	+
87	<i>Leonurus turkestanicus</i> <i>VKrecz.</i> -Туркистон арслонқулоғи	-	+	-	-	-
88	<i>Salvia korolkovii</i> <i>Rgl.et Schmalh.</i> - Королков мармараги	-	+	+	+	-

89	<i>Ziziphora pedicellata</i> <i>Pazij.</i> -Гулбандли кийикўт	-	+	+	+	-
90	<i>Melissa officinalis</i> L.- Доривор лимонўт	-	+	+	+	-
91	<i>Origanum tyttanthum</i> <i>Gontsch.</i> -Майдагул тоғрайхон	-	+	+	+	-
92	<i>Mentha arvensis</i> L.- Дала ялпиз	-	+	-	+	-
93	<i>Tulipa gregii</i> Rgl.- Грейг лоласи, қизил лола	-	-	+	-	-
94	<i>Tulipa mogoltavica</i> <i>Popov et Vved.</i> - Мўғилтоғ лоласи	-	-	+	-	-
95	<i>Gagia turkestanica</i> <i>Pascher.</i> -Туркистон бойчечаги	-	-	+	-	-
96	<i>Ixiorion tataricum</i> (Pall) Herb.-Татар чучмомаси	-	-	+	-	-
97	<i>Allium pskemense</i> <i>B.Fedtsch.</i> -Писком пиёзи	+	+	+	+	-
98	<i>Allium stipitatum</i> Rgl.- Анзур пиёз	+	+	+	+	-
99	<i>Cyperus fuscus</i> L.- Қўнғир саломалик	-	-	-	-	+

100	<i>Agrostis gigantea</i> Roth.- Дев агростис	-	-	-	-	+
101	<i>Dactylus glomerata</i> L.- Тиғиз оқсўхта	-	-	-	-	+
102	<i>Hordeum bulbosum</i> Torn.-Пиёзли арпа	-	-	-	-	+
103	<i>Bromus danthonea</i> Trin.-Дантони ялтирбоши	-	-	-	-	+
104	<i>Eremurus robustus</i> Rgl. - Пушти ширач	-	-	-	-	+

Ўсимликлардан одам фақат озиқ сифатида фойдаланмайди, балки улар озиқ-овқат, тўқимачилк, қоғоз химия саноати ва бошқалар учун ҳом-ашё манбаи ҳисобланади. Ўсимликлардан фойдаланишган қараб улар доривор, озиқ-овқат, ем-хашак, манзарали, мевали, дуккакли, тамаки эфир мойли, ошловчи гуруппаларга бўлинади. Булар асосан маданий ўсимликлар ҳисобланса, лекин одам жуда кўп ёввойи ўсимликлардан ҳам фойдаланади.

Уларнинг ҳаётий формаларида (дарахтлар, буталар, кўп йиллик, бир йиллик, икки йиллик) ўсиш шароити ва кўпайиш усулларида намоён бўлади.

Ер юзасининг ўсимликлар дунёси бой ва хилма-хил бўлиб 500 мингдан ортиқ тури бор [41].

Озиқ-овқат бўладиган ўсимликлардан зирк, исмалоқ, равоч, ёнғоқ, жағ-жағ, тут, дўлана олма, бодом, писта, жийда, зира, пиёз каби ўсимликларни кўрсатишимиз мумкин. Доривор ўсимликлардан қирқбўғим, далачай ковул, гулхайри, газанда, наъматак, оққурай, исирик, бўймадарон, мойчечак, оққалдирмоқ, сачратки, арслонқулоқ, кийикўт, тоғрайхон, ялпиз каби ўсимликларни кўрсатишимиз мумкин. Манзарали ўсимликлардан эса қарағай, арча, шумтол, мармарак, лола, бойчечак, ширачлар учрайди.

Шулардан келиб чиқиб Сўқоқ қишлоғида тарқалган сарвдошлар, раънодошлар, ялпиздошлар, қоқиўтдошлар, зиркдошлар оиласига мансуб туркум турлари ниҳоятда катта аҳамиятга эга.

Бу туманда тарқалган ўсимликларнинг айримларига қисқача тўхталиб ўтамиз. Сарвдошлар оиласига мансуб арча – *Juniperus*. Бу ўсимлик тўғрисида ривоятларда айтилишича кимда-ким арчанинг 7 ёки 10 дона мевасини эса ўшанча йил одамга кўз тегмас ва юқумли касалликлар билан оғримас эмиш. Арча умрбоқий ҳисобланади.

Бурчоқдошлар оиласига ширинмия (*Glycyrrhiza*) халқ табобатида қадимдан ишлатилиб келинади.

Ширинмия илдизидан тайёрланган дамламалар яллиғланиш, балғам кўчирувчи, сийдик ҳайдовчи ва иштаха очувчи, одамни қувватга киргизадиган, астмага қарши восита сифатида ишлатилади.

Раънодошлар оиласига мансуб ўсимликлардан наъматак, дўлана, маймунжон қаби ўсимликлар ҳам халқ табобатида ҳам доривор, ҳамда манзарали ўсимлик сифатида жуда қадрланади.

Шунингдек, зирадошлар оиласига мансуб зира, коврак, алқор турлари ҳам ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлган ўсимликлардир. Доривор сифатида ҳам ишлатилади. Ўсимликлар дунёси табиат бойликларидан бири ҳисобланади. Маълумки, шифобахш ўсимликларнинг хосиятини қадим замонлардан билишган ва улардан турли касалликларни даволаш учун фойдаланилган. Сўқоқ қишлоғи атрофида тарқалган ўсимликларнинг халқ хўжалигидаги тутган ўрни ниҳоятда каттадир. Шулардан келиб чиқиб, Паркент тумани Сўқоқ қишлоғида тарқалган зиркдошлар, чиннигулдошлар, толдошлар, карамдошлар, тутдошлар, жийдадошлар, зирадошлар, ялпиздошлар оиласига мансуб туркум, турлари ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир. Бу туманда тарқалган ўсимликларнинг айримларига қисқача тўхталиб ўтамиз [41].

Тутдошлар оиласи. *Moraceae* – Ўрта Осиё табобатида тут қонни тозалайдиган ва кўпайтирадигин неъмат ҳисобланади.

Тарондошлар – *Polygonaceae* оиласига мансуб. Равоч - *Rheum* илдизи тери ошлашда ишлатилади, шунингдек равоч илдизи табобатда яллиғланиш касалликларида ишлатилади.

Далачойдошлар – *Hypericaceae* оиласига мансуб далачой – *Hypericum*. Далачой ўти ҳам шифобахш хусусиятга эга. Далачой таркибида эфир мойлари антиоксидантлар, кароцин, салмоқли микдорда витамин С, микроэлементлар бор.

Раънодошлар оиласига мансуб ўсимликлардан наматак – *Rosa*, дўлана – *Crataegus* каби ўсимликлар халқ табобатида ҳам доривор ҳамда манзарали ўсимлик сифатида жуда қадрланади.

Шунингдек, зирадошлар оиласига мансуб зира – *Bunium* нихоятда катта аҳамиятга эга ўсимликлар. Ялпиздошлар оиласига мансуб ўсимликлардан ялпиз – *Mentha* эфир мойларига бой, озиқ-овқат ҳамда доривор ўсимлик ҳисобланади. Қоқиўтдошлар оиласига мансуб қоқиўт – *Taraxacum* илдизида инулин тўпланади. Барглари витаминларга бой, сабзавот сифатида ҳам ишлатилади.

IV- боб бўйича умумий хулосалар

1. Сўқоқ қишлоғи флорасини ўрганишимиз асосида ўсимликларнинг халқ хўжалигида ишлатилиши бўйича таҳлил қилганимизда, озиқ-овқат бўладиган ўсимликлар 24 та тур (23%), доривор ўсимликлар 54 та (52 %), манзарали 49 та (47,1%), эфир мойли 21 та тур (20,1%), ем - хашак ўсимликлар 25та тур (24 %) экарлиги қайд этилди.
2. Раънодошлар оиласига мансуб ўсимликлардан наъматак, дўлана, маймунжон каби ўсимликлар ҳам халқ табобатида ҳам доривор, ҳамда манзарали ўсимлик сифатида жуда қадрланади.
3. Зирадошлар оиласига мансуб зира – *Bunium* нихоятда катта аҳамиятга эга ўсимликлардир, ялпиздошлар оиласига мансуб ўсимликлардан ялпиз – *Mentha* эфир мойларига бой озиқ-овқат ҳамда доривор ўсимлик ҳисобланади.

ХУЛОСАЛАР

1. Сўқоқ қишлоғи флорасини ўрганганимизда, 48 та оилага мансуб 89 та туркум ва 104 та тур мавжудлиги қайд этилди.

2. Сўқоқ қишлоғи ўсимликларини ҳаётий шаклларига кўра ўсимликлар: дарахт, бута, кўп йиллик ўт икки йиллик ўт ва бир йиллик ўт ўсимликлардан иборат бўлиб, дарахт 23 та (22,1%), бута 12 та (11,5%), кўп йиллик ўт 49 та (47,1%), икки йиллик ўт 2 та (1,9%), ва бир йиллик ўт 18 та (17,%) ни ташкил этди.

3. Ўсимликларнинг минтақалар бўйича тарқалишини таҳлил қилганимизда чўл ҳудудида 28 тур (27%), адир ҳудудида 101 та тур (97,1%), тоғ ҳудудида 84 та тур (81%), баланд тоғ ҳудудида эса 21 та тур (20,1%) учраши аниқланди.

4. Сўқоқ қишлоғи флорасини ўрганишимиз асосида ўсимликларнинг халқ хўжалигида ишлатилиши бўйича таҳлил қилганимизда, озиқ-овқат бўладиган ўсимликлар 24 та тур (23%), доривор ўсимликлар 54 та (52%), манзарали 49 та (47,1%), эфир мойли 21 та тур (20,1%), ем-хашак ўсимликлар 25 та тур (24%) эканлиги қайд этилди.

5. Сўқоқ қишлоғи флорасини оилалар бўйича таҳлил қилганимизда *Lamiaceae* – Ялпиздошлар оиласига мансуб 5 та тур, *Asteraceae*– Қоқиўтдошлар оиласига мансуб 10 та тур, *Apiaceae*- Зирадошлар оиласига мансуб 3 та тур, *Fabaceae* – Бурчоқдошлар оиласига мансуб 5 та тур, *Rosaceae* - Раънодошлар оиласига мансуб 12 та тур, *Salicaceae*-Толдошлар оиласига мансуб 4 та турлар кенг тарқалганлигига гувоҳ бўлдик.

6. Сўқоқ қишлоғида энг кўп тарқалган доривор ўсимликлардан *Hypericum*-далачой, *Rosa*-наъматак, *Ziziphora*-кийикўт, *Origanum*- тоғрайҳон, *Achillea*-бўймодарон, *Mentha*- ялпиз, *Cichorium*-сачратқи, *Artemisia*-шувоқ, эрмон кенг тарқалган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ахунов Х.М. Определитель деверыв и кустарников горнкх районов Узбекистана. Тошкент 1990 .- 87 б.
2. Ашурметов О.А., Рахимова Т.Т., Рахимова А.Т., Ҳикматов Ш.Х. Экология.- Тошкент. Chinor ENK. 2008.-133 с.
3. Бачанцев В.П. «Флора Узбекистана» Изд «Фан» Тошкент 1953. - 400 б.
4. Бавтуто Г.А., Еремина В.М., Жигар М.П. Атлас по анатомии растений Учеб.пособие для вузов. Минск. “Ураджай”, 2001. – 146 с.
5. Буригин В.А, Жонгурозов. Ф.Х. Ботаника. «Ўқитувчи» Тошкент 1997. - 351 б.
6. Буш Н.А. Систематика высших растений. Учпедгиз. Москва 1959.- 534 с.
7. Еленевский А.Г, Соловьева. М.П, Тихомиров. В.Н. Ботаника, Систематика высших, или ноземных растений Академа Москва 2001. - 429 с.
8. Есипов В.М., Лесняк А.П. К вопросу о роли популяции дикобраза *Hystirix hisutirostris brandt* в биосинтезе запведника Труды Чаткальского горнолесного государственного запведнока Выпю 3, Т., «Узбекистон», 1972.- 159-162 с.
9. Жуковский П. М. Ботаника. Изд «Высшая школа» Москва. 1982. - 279-667 с.
10. Жизнь растений.-Т. 1-5-М:”Провещение”,- 1976.-1978.
11. Закиров К.З., Закиров П.К. Опыт типологии ратительности земного шара на примере Средней Азии.-Ташкент.Фан. 1978. - 55 с.
12. Зокиров Қ.З, Жамолхонов Х.А. Ўзбек ботаника терминологияси масалалари «Фан» Тошкент. 1996. - 43 б.
13. Зокиров Қ.З, Набиев М.М, Пратов Ў.П., Жамолхонов Х.А. Русча-ўзбекча ботаника терминларининг қисқача изоҳли луғати. Ўз.Фа.нашр. Тошкент. 1963. - 153 б.

14. Зоҳидов Ҳ. Шифо хазинаси 11 к «Янги аср авлоди» 2000. - 176 б.
16. Курсанов Л.И., Комарницкий Н.А., Мейер К.И., Раздорский Ф.А., Уранов А.А. Ботаника, 2 том Ўзб. Рес. Ўрта ва Олий мактаб давл. Нашр. Тошкент 1963. - 513 б.
17. Махмудов А, Тоғаев. И. Юксак ўсимликлар бўйича амалий машғулотлар. «Университет» Тошкент 1994. - 85 б.
18. Мухторов М. Минг дардга минг даво “Насаф” Қарши. 2009. – 271 б.
19. Mustafayev S.M. , Ahmedov O'.A. Botanika-Toshkent, 2006.
20. Набиев М. М. Ботаника атлас луғати «Фан» Тошкент 1969. - 253 б.
21. Набиев М., Одилов Т., Пратов Ў., Шерматов Е. Қизиқарли ботаника. Тошкент., “Ўзбекистон”. 1975.-365 б.
22. Набиев Н.Н, Щальнев В.Г., Ибрагимов А.Е., Шифобахш неъматлар “Меҳнат” Тошкент. 1989. – 180 б.
23. Определитель растений средный Азии Изд «Фан» Т II. Тошкент. 1971. - 362 с.
24. Определитель растений средный Азии Изд «Фан» Т VI. Тошкент. 1993. - 692 с.
25. Определитель растений средный Азии Изд «Фан» Т VII. Тошкент 1983. - 414 с.
26. Пратов Ў.П., Набиев М.М. Ўзбекистон юксак ўсимликларининг замонавий тизими. «Ўқитувчи» Тошкент. 2007. - 62 б.
27. Пратов Ў., Жумаев К. Юксак ўсимликлар систематикаси.- Тошкент. 2003.-144 б.
28. Prатов O`, Shamsullayeva L., Sulaymonov E. va bosh Botanika (morfologiya, anatomiya, sistematika, geobotanika).-Toshkent. “Ta’lim nashriyoti”, 2010.-288 b.
29. Рахимова Т.Т. Ўсимликлар экологияси ва фитоценология. ЎзР ФА. Тошкент. 2009. -51 б.

30. Серебряков И.Г. Экологическая морфология растений. Жизненные формы покрытосеменных и хвойных. – Москва. Высшая школа. 1962. – С. 69-314с.
31. Серебряков И.Г. Жизненные формы высших растений и их изучения. Полевая геоботаника. Т. 3. М. – Л. Наука. 1964. –С.146 -189с.
32. Тахтаджян А.Л. Система и филогения цветковых растений.- М.-Л., 1996.-611с.
33. Тахтаджян А.Л. Система магнолиофитов.-Л.,1987.--439с.
34. Флора Ўзбекистана, -Ташкент. 1941.-1962.-301 б.
35. Худойқулов С.М.,Назаренко Л.И. Ўсимликлар систематикасидан амалий машғулотлар.-Ташкент,1984.-125.б
36. Ҳайдаров Қ. Ҳ., Ҳожиметов Қ.Ҳ. Ўзбекистон ўсимликлари. Тошкент “Ўқитувчи”. 1992.-243 б.
37. Ҳамидов А., Набиев М., Одилов Т. Ўзбекистон ўсимликлар аниқлагичи «Ўқитувчи» Тошкент 1987. -327 б.
38. Ҳамидов А. Ўзбекистондаги бегона ўтлар. Тошкент: Ўқитувчи 1973.-195 б.
39. Ҳамидов А. Ўсимликлар географияси. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1975.-248 б.
40. Ҳамидов П., Шукруллаев Е., Тарасова Ю., Қурбонов А., Умрзоқов. Ботаника асослари «Меҳнат» Тошкент. 1990. - 318 б.
41. Ҳусамиддинов С, Шерматов М. Паркент тумани “ Ўқитувчи ” Нашриёт – Маатбаа ижодий уйи Тошкент – 2006. – 3-40 б.
42. Черепанов С.К. Сосудистые растений СССР. “Наука” Ленинград. 1981.- 509 б.
43. Яковлев. Г. П. Ботаника Москва 2001 . 647 с.
44. Biosser-Flora orientalis I-V. 1867-1884.
45. [http:// www. Fitoapteka.org](http://www.Fitoapteka.org)
46. [http:// www. Flora findir.com](http://www.Flora findir.com)
47. [http: // www. ziyonet. uz](http://www.ziyonet.uz). Bio

